O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY BIBLIOTEKASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 6 ноябрь, жума № 45 (2328). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 6 ноября, 2009 год, № 45 (2328). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

БУГУН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҚАЙСИ ЖАБҲА ВА СОҲАСИНИ ОЛМАЙЛИК, ЭРКИНЛИККА ВА ОЗОДЛИККА ЭРИШГАН, ЎЗ АҚЛ-ЗАКОВАТИ, БИЛИМИ ВА КУЧ-ҚУДРАТИГА ИШОНГАН ХАЛҚИМИЗ ЎЗИНИНГ АМАЛИЙ ИШЛАРИ БИЛАН ҚАНДАЙ БУЮК МАРРАЛАРГА КЎТАРИЛИШГА ҚОДИР ЭКАНИНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАБ БЕРМОҚДА.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун бутун юртимиз, Ўзбекистонимиз ҳаётидаги қувончли бир воқеа билан, яъни, мамлакатимиз пахтакорлари ўз зиммасига олган шартнома режасини муваффақиятли адо этиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритгани, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этишга эришгани билан барчангизни чин қалбимдан самимий табриклайман.

Ҳаммамиз кутган бу ғалаба аввалambор заҳматкаш, кўпни кўрган деҳқон ва фермерларимизнинг, бу ютуққа муносиб ҳисса қўшган мутахассис ва механизаторлар, барча қишлоқ меҳнаткашларининг азму шижоати ва фидокорона меҳнатининг натижасидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Албатта, доимо ер билан тиллашиб, унга бутун борлиғини бериб меҳнат қиладиган деҳқон учун қишлоқ хўжалиги соҳасида осон йилнинг ўзи бўлмайди. Айтиш керакки, 2009 йил мавсуми ҳам биз учун кўп жиҳатдан мураккаб бўлди. Аввало баҳор серёғин келиб, иқлим инжиқлиги катта қийинчилик туғдиргани, сел ва дўллар кўпайгани, қуёш ҳароратининг етишмаслиги туфайли далаларни тайёрлаш, чигитни экиш ва тўла ундириб олиш жараёни, ҳаммамизга маълум, қарийб бир ой орқага сурилиб кетди.

Бундан ташқари, намгарчилик юқори бўлгани учун турли касалликлар, ҳашарот ва зараркунандалар кўпайиб, деҳқон ва фермерларимиз учун яна бир жиддий синовга айланди.

Буларнинг барчаси деҳқонларимиздан ҳар туп ғўза атрофида парвона бўлиб, экинга қўшимча ишлов бериш, агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш, бир сўз билан айтганда, кунни – кун, тунни – тун демасдан, ҳар қачонгидан кўра эҳтиёткорлик билан иш тутишни талаб этганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Сиз, моҳир пахтакорларимизнинг мақсад сари ана шундай тинимсиз интилиш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, энг муҳими, ўз кучингизга бўлган ишонч, мустаҳкам ирода ҳисобидан барча синовларни енгиб, улкан ғалабага эришганингиз юксак таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги мавсумда, мана шундай ўта мураккаб шароитда сизлар қўлга киритган бу ютуқ мамлакатимиз пахтачилиги тарихига алоҳида ёрқин саҳифа бўлиб киради, албатта.

Бугунги катта ғалабага асос бўлган омиллар ҳақида гапирганда, бунинг замирида аввалambор, истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаб амалга ошираётган туб ислоҳотларимиз, ота-боболаримизнинг бой деҳқончилик тажрибаси ва замонавий илм-фан ютуқлари билан бирга, деҳқон ва фермерларимизнинг меҳнатсеварлик, изланувчанлик ва омилкорлик фазилатлари мужассам эканини таъкидлаш ҳар томонлама ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Энг муҳими, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, унинг истиқболини ўйлаб, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиши учун мустаҳкам қонуний ва ташкилий-амалий замин яратганимиз, бу ҳаракатнинг самарасини ошириш йўлида кенг миқёсда имтиёз ва имкониятлар туғдириб берганимиз нафақат бугунги ғалабага эришишда, балки қишлоқ ҳаётини янги босқичга кўтаришда ғоят муҳим омил бўлганини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу йилги мавсум якунлари ҳақида гапирар эканмиз, Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Наманган ва Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари ишни уюшқоқлик билан ташкил этиб, шартномавий мажбуриятларини 25-30 иш кунида ортиғи билан адо этишга эришганини мамнуният билан қайд этамиз.

Мамлакатимизнинг улкан пахта хирмонига ўзининг салмоқли улушини қўшган Пахтаобод, Олтинкўл, Қумқўрғон, Шеробод, Касби, Қизилтепа, Дўстлик, Нарпай, Наманган, Қува, Боёвут, Бўка, Элликқалъа, Гурлан ва Вобкент туманлари пахтакорлари бу борада бошқаларга ўрнак бўлгани алоҳида таҳсинга сазовор.

(Давоми 2-бетда).



Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ суратга олган.

Истиқлол посбонлари ҳурликка камарбаста!

ШУ СОНДА

- Успехи, достойные великой страны — 3
- Sarhadlar daxlsizligini ta'minlab — 5
- Посбонлар саломатлигини асраш йўлида — 7
- Ўгай уканинг уришқоқ хўрози — 10
- TV дастур — 12-13
- Sehrli non — 14
- Самолётни қутқарган йўловчилар — 16
- Далварзинтепанинг ноёб топилмалари — 17
- Резервга бўшатилганлар доимо эътиборда — 18
- Электрон ҳамён — қулай тўлов воситаси — 20
- Тинчлик қўшиғи — 21
- Ҳарбий спортчиларнинг Осиё ўйинларидаги олтин медаллари — 22-23

2 ВАТАН МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛГАНЛАР
ШОГИРДЛАР КАМОЛИДАН КЎКСИДА ҒУРУР

4 МАҲОРАТ
АЛОҚАНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

7 ЭҲТИРОМ
МОҲИР ЖАРРОҲ, ТАЛАБЧАН ШИФОКОР

19 ТАШРИФ
МИЛЛАТ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН САНЪАТКОР

ЖАРАЁН

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимиздаги минглаб илғор фермер хўжаликлари қаторида айниқса, Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув", Олтинкўл туманидаги "Намуна гулшани", Бўка туманидаги "Саркор", Чиноз туманидаги "Муқимий", Гурлан туманидаги "Ҳайитмат ота", Элликқалъа туманидаги "Рўзимбой", Навбаҳор туманидаги "Муслим Мадаминов", Қамаши туманидаги "Ашур бобо", Поп туманидаги "Эрназар", Қува туманидаги "Олтин диёр", Қумқўрғон туманидаги "Гулистон" сингари фермер хўжаликлари ҳосилдорликни гектаридан 45-50 центнерга етказгани фермерлик ҳаракатининг қандай катта имкониятларга эга эканини яна бир бор исботлаб бермоқда.

Бу соҳада амалга оширган улкан ишларимиз қаторида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, уларнинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, моддий манфаатдорлик ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган катта ишларимиз ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини қайд этиш зарур.

Айниқса, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли нафақат қишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгараётгани, шу билан бирга, деҳқонларимиз, қишлоқ аҳлининг онгу тафаккури, турмуш маданияти юксалиб, уларнинг эртанги кунга ишончи, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, ҳаётга фаол муносабати кучайиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи навбатда, ҳосилдорлик даражаси, тола сифатининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан эътиборни тортади.

Шу сабабли бугунги кунда ўзбек пахтаси халқаро миқёсда тобора харидоргир бўлиб, республикамиз жаҳон пахта бозорининг марказларидан бирига айланиб бормоқда. Бунинг тасдиғини беш йилдан буён Тошкент шаҳрида ўтказилаётган, кўплаб нуфузли хорижий савдо компаниялари қатнашиб келаётган халқаро пахта ярмаркасида катта ҳажмдаги шартномалар имзоланиб, бу соҳадаги ҳамкорлик алоқалари янада кучайиб бораётганида кўриш мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, иқтисодиётимизда етакчи ўрин тутадиган қишлоқ хўжалигида ер унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш, хусусан, катта меҳнат, масъулият ва сафарбарликни талаб қиладиган пахтачилик соҳасига илғор тажрибалар, замонавий янги технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан деҳқон ва фермерларимизнинг даромадлари ва фаровонлигини янада ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш масалалари биз учун бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Сизларни бугунги юксак меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилайман.

Доимо бахтингиз, омадингизни берсин!

Ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси бош директорининг ўринбосари Ҳишом ал-Вакаён 2009 йилнинг 21-23 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси вакилининг ташрифи давомида 22 октябрда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида кредит битими имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ Кувайт жамғармаси томонидан "Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини қайта тиклаш" лойиҳасини молиялаш учун 4,34 миллион Кувайт динори (15,62 миллион АҚШ доллари эквиваленти) миқдорида кредит ажратилади.

Мазкур лойиҳани амалга оширишдан мақсад мавжуд ирригация-дренаж тизимларини модернизация қилиш ҳамда янгиларини қуриш орқали Жиззах (210,0 минг гектар) ва Сирдарё (222,0 минг гектар) вилоятларидаги суғориладиган қишлоқ хўжалик майдонлари ҳосилдорлигини оширишдан иборат. Бунда ҳосилдорликнинг ошиши лойиҳа амалга оширилаётган ҳудудларда хўжаликлар ва аҳолининг даромадини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Лойиҳа ишлари Сирдарё вилоятидаги узунлиги қарийб 347 километр мелиорация тизимини реконструкция қилиш, 268 километр дренаж тизимини қайта тиклаш ҳамда 50 та вертикал дренаж қудуқ қазишни ўз ичига олади.

Жиззах вилоятида бажариладиган ишлар эса янги, самарали энергия насос станцияси ва узунлиги 15 километр сув олиб келинадиган машина каналини барпо этиш, узунлиги 68 километр дренаж каналини реконструкция қилишни ўз ичига олади. Шунингдек, лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ишлари амалга оширилади, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига институционал ёрдам кўрсатилади.

Лойиҳани 2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Лойиҳада Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармасидан ташқари, молиялаш ҳажми 65,37 миллион доллар эквивалентига тенг маблағ билан Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК фонди ҳам иштирок этмоқда. Бу борада жалб этилаётган хорижий инвестициялар 81,0 миллион доллар миқдорини ташкил этади. Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси тақдим этаётган кредит йилига 2,5 фоиз ставкаси билан 21 йилга, жумладан, 6 йиллик имтиёзли шарт билан берилмоқда.

Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси икки томонлама ҳамкорлик давомида Ўзбекистон Республикасига иқтисодиётнинг турли жабҳаларидаги лойиҳаларни молиялаш учун умумий қиймати қарийб 26 миллион Кувайт динорига тенг (90,0 миллион доллар эквивалентида) юқорида қайд этилган кредит билан бирга 5 та кредит, шунингдек, умумий қиймати 0,35 миллион Кувайт динорини ташкил этадиган (1,12 миллион доллар эквивалентида) 2 та грант тақдим этган.

(ЎзА).

Ватан мукофотига сазовор бўлганлар

ШОГИРДЛАР КАМОЛИДАН КЎКСИДА ҒУРУР

Ўз касб-корига муносабат киши хатти-ҳаракатларининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Бежизга, касбнинг яхши-ёмони, қийин-осони йўқ, демаймиз. Зеро ҳамма гап танланган соҳани қай даражада севиш, унга ўзини бағишлай олиш, ўз устида ишлаш орқали асл профессионал бўлишга интилишда, лўнда қилиб айтганда, унга бўлган муносабатда. Ҳа, шунинг учун ҳам барчага нисбатан «ўз касбига меҳри баланд», «фидойи ходим» каби таърифларни қўллаб бўлмайди. Қолаверса, инсон қизиқишлари ва иқтидори, мойиллиги кундалик иши билан ҳамоҳанг бўлсагина у касбидан ҳузурланади ва завқланади, роҳатланади.

– Назаримда, ўқитувчилар нотиқлар сингари ўз тингловчиларидан маънавий куч оладилар. Машғулот – биз томондан янги маълумотларни етказиш ва айни пайтда курсантлар зеҳни ва қизиқишлари, иқтидоридан таъсирланиш жараёнидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўтилган машғулот табиий равишда жисмоний чарчоққа сабаб бўлса, курсантларнинг чақнаб турган, билим олишга кучли иштиёқ акс этаётган нигоҳлари инсонни тўлқинлантиради, руҳлантиради, – дейди тажрибали устоз, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти метеорология хизмати бошлиғи – кафедра катта ўқитувчиси офицер Олимжон Худоёров. – Олий ҳарбий билим юртимизга ўқишга қабул қилинаётган курсантларнинг билим даражаси юқорилиги, биз педагогларни албатта, қувонтиради. Қизиқувчан ва дунёқараши теран ёшлар билан машғулотларни сифатли ва тушунарли ўтиш, бу борада турли замонавий усул ва услубларни қўллаш мақсадида доим малакамизни ошириб борамиз. Зеро ўқитувчи замон билан ҳамнафас ва ҳатто, ундан бир қадам олдинда юрувчи шахс бўлиши керак.

Ўқитувчилик машаққати ва гаштини чуқур ҳис қиладиган офицернинг авиация соҳасига доир қатор ўқув қўлланмаларига ҳаммуаллифлик қилгани, илмий мақолаларини турли журналларда чоп этгани, илмий-услубий ва илмий-амалий анжуманларда маърузалари билан иштирок қилиши ёш ўқитувчилар учун ибратга молик жиҳатдир. Масалан, «Авиация метеорологияси» ўқув қўлланмаси унинг илмий изланишлари самараси бўлиб, дарслик учувчи ва штурманлар, парвозни бошқарувчи ва авиация соҳасининг бошқа мутахассислари учун мўлжалланган.

Маълумки, метеорология – ер атмосфераси ва унда содир бўладиган физик жараёнларни ўрганадиган фан бўлиб, соҳа мутахассислари об-ҳавони олдиндан айтишда асосан ҳаво температураси, босими, намлиги, шамол кучи ва йўналиши, булут, ёғин тури ва миқдори, туман, тиниқлик, сув ва тупроқ температураси, қуёш радиацияси, Ер ва атмосферанинг иссиқлик-нурланиши, қор қатлами ва бошқа маълумотлардан фойдаланадилар. Шундай экан, авиация соҳаси мутахассислари метеорологиянинг тармоғи саналмиш авиация метеорологиясидан хабардор бўлишлари талаб этилади.

Дарвоқе, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти жонкуяр ўқитувчисининг кўп йиллик фидокорона хизматлари инобатга олиниб, у Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Юртбошимизнинг Фармонига биноан «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

– Таъкидлашни истардимки, бу – бутун ўқув даргоҳимиз, барча устоз офицерларнинг ютуғидир. Камтарона хизматларимнинг бундайин юксак баҳоланганидан ва эътироф этилганидан хурсандман. Келгусида ҳам бор билимим ва кучим, тажрибамни ёшларга билим бериш ва унинг сифатини оширишга, янги ўқув қўлланмалари яратишга, илмий изланишлар олиб боришга қаратаман. Ҳа, мен ўз касбимни жуда севаман ва ҳарбий либос соҳиби эканлигим, бўлғуси офицерларга билим бераётганимдан доим фахрланаман. Лекин ниҳоятда ҳавасим келадиган ва мен учун армонга айланган касб бор, бу – учувчилик. Шу ҳақда ўйлагудек бўлсам, мендан сабоқ олган кўплаб учувчилар ва ҳарбий авиация мутахассислари, шогирдларимнинг ютуқлари ва миннатдорчиликлари кўз олдимга келади. Уларнинг ҳар битта парвозида менинг ҳам ҳиссам борлигидан чексиз ғурурланаман. Шундай пайтларда ўзимни дунёдаги энг бахтли киши ҳисоблагим келади, – дейди суҳбатдошимиз

Капитан Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Муаллиф суратга олган.

АКТУАЛЬНО

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

УСПЕХИ, ДОСТОЙНЫЕ ВЕЛИКОЙ СТРАНЫ

На торжествах, посвященных 2200-летию города Ташкента, глава нашего государства Ислам Каримов с чувством гордости заявил: **«Такой созидающий и великодушный народ, глубоко осознающий свою самобытность, гордящийся тем, что живет на священной земле и является потомком великих предков, может покорить любые вершины. В этом у меня нет никаких сомнений»**. Эти слова приобретают особое звучание, когда мы сегодня знакомимся с материалами заседания Кабинета Министров Республики Узбекистан, на котором подведены итоги социально-экономического развития республики за 9 месяцев текущего года.

Вот основные его показатели. **Прирост валового внутреннего продукта составил 8 процентов, объем промышленного производства – 9,1 процента, сельского хозяйства – 3,3 процента, услуг – 15,8 процента, строительных работ – 33,5 процента.** Государственный бюджет исполнен с профицитом в размере 0,2 процента к ВВП, уровень инфляции не превысил прогнозных показателей. И это в условиях жесточайшего мирового финансово-экономического кризиса, многие страны из которого до сих пор не могут выкарабкаться, а некоторые из тех, кто поспешил заявить о выходе из рецессии, уже испытали на себе ее коварные рецидивы.

О чем говорят итоги развития страны за 9 месяцев?

Прежде всего о том, что **Антикризисная программа, разработанная Президентом Исламом Каримовым, успешно действует и дает блестящие результаты.** И во-вторых, они наглядно подтверждают, что глубоко продуманная программа социально-экономического развития, базирующаяся на признанных мировым сообществом принципах «узбекской модели» реформирования экономики, и выработанные государством антикризисные меры обеспечивают сбалансированное развитие, динамичный рост экономических показателей и устойчивость к негативным влияниям мирового финансово-экономического кризиса.

Еще один важнейший показатель – **активная инвестиционная политика государства обеспечила рост объемов капитальных вложений на 28,3 процента, в том числе прямые иностранные инвестиции выросли в 2,1 раза.** Это дало возможность завершить в течение 9 месяцев реализацию 156 проектов технической модернизации, ввести в эксплуатацию 371 производственный объект, в том числе в пищевой промышленности – 139, промышленности строительных материалов – 122, в легкой и текстильной промышленности – 71, в машиностроении – 13, которые уже в завершающем квартале года дадут значительный прирост выпускаемой ими продукции.

Одним из жестоких проявлений мирового кризиса является резкое снижение объемов внешней торговли. И мы, как составная часть мирового пространства и глобального финансово-экономического рынка, оказались в сфере действия проявлений мирового кризиса. Но благодаря принятым в рамках Антикризисной программы превентивным мерам по государственной, финансовой, кредитной поддержке отечественных предприятий-экспортеров **нам удалось сохранить положительное сальдо внешнеторгового оборота.** И в то же время на заседании Кабинета Министров была подвергнута критике деятельность отдельных руководителей за недостаточность принимаемых ими мер по снижению себестоимости, поиску и освоению новых внешних рынков сбыта и увеличению на этой основе объемов экспорта. Среди этих предприятий – «Ташкентский тракторный завод», «Агрегатный завод», «Чирчиккишлокмаш», АК «Узавтосаноат» и некоторые другие хозяйственные объединения.

Кризис – это и безработица, и снижение жизненного уровня. Посмотрите на сегодняшние страны Европы. В большинстве из них уровень безработицы бьет все рекорды. В отдельных странах он составляет 10 и более процентов работоспособного населения. У нас – картина иная. Потому что **в центре повседневного внимания руководства страны – вопросы создания новых рабочих мест, забота о трудоустройстве специалистов** – выпускников вузов, колледжей, лицеев. В частности, за 9 месяцев текущего года в стране создано 743,5 тыс. новых рабочих мест или на 36,4 процента больше по сравнению с аналогичным периодом прошлого года. Из них 311,1 тыс. рабочих мест создано в сфере малого бизнеса и частного предпринимательства, в том числе 203 тыс. в сфере услуг и сервиса. Создано также 77,9 тыс. рабочих мест в сфере надомного труда по трудовым договорам.

Заглядывая вперед, в будущее, правительство обсудило проект программы создания новых рабочих мест и обеспечения занятости населения на 2010 год. Этой программой предусматривается создание в 2010 году 950 тыс. новых рабочих мест. Думаю, что ни одна страна в мире не проявляет такой огромной заботы о трудоустройстве своих граждан, как наша страна. Этот социальный феномен объясняется очень просто. Трудоустроить – значит дать человеку работу. А там, где работа, – благополучие, достаток, там и забота не только о семье, но и о государстве.

На заседании особое внимание было уделено **анализу хода реализации Государственной программы «Год развития и благоустройства села».** За 9 месяцев в сельской местности введено 4,7 млн. кв. метров индивидуального жилья, в основном по новым индивидуальным проектам. Введено в эксплуатацию 577 км газовых и 1680,8 км водопроводных сетей. **Подготовлено 42 массива в сельской местности для начала в четвертом квартале комплексной застройки жилья по утвержденным типовым проектам за счет кредитов акционерно-коммерческого банка «Кишлок курилиш банк».** На этих, 42 массивах, будет вестись **опережающее строительство 840 жилых домов площадью 95 тыс. кв. метров.** На финансирование программы будет направлено 588,7 млрд. сумов, в том числе 284,9 млрд. сумов льготных кредитов «Кишлок курилиш банка».

Участниками заседания Кабинета Министров рассмотрены и другие вопросы, в частности, состояние готовности к осенне-зимнему сезону отраслей экономики, жилищного фонда, объектов социальной сферы, производственной инфраструктуры, а также ход закладки плодоовощной продукции и картофеля к осенне-зимнему периоду 2009–2010 годов.

В центре внимания руководителей всех уровней на предстоящий период остаются Антикризисная программа, программы целевых проектов по модернизации и техническому обновлению базовых отраслей, диверсификации производства, широкое внедрение инновационных технологий, создание благоприятного бизнес-климата для малого бизнеса и частного предпринимательства, реализации Государственной программы «Год развития и благоустройства села», создание условий для выхода Узбекистана на новые, более высокие рубежи. Как сказал в своем выступлении глава нашего государства на торжествах, посвященных 2200-летию Ташкента, **мы ведем серьезную работу по обеспечению выхода экономики Узбекистана из кризиса еще более сильной, устойчивой и сбалансированной для обретения достойного места на мировом рынке, последовательного решения задач по дальнейшему повышению уровня жизни и благосостояния нашего населения.**

Военнослужащие Вооруженных Сил нашей страны с огромным удовлетворением и чувством гордости восприняли итоги социально-экономического развития страны за 9 месяцев текущего года и считают своим патриотическим долгом быть в это сложное для страны и народа время на высоте стоящих задач. Что это значит для военнослужащего?

С точки зрения политической – важно глубоко осознать существо переживаемого страной периода, глубже понять, исходя из особенностей военно-политической обстановки в регионе, стоящие перед Вооруженными Силами, перед воинскими коллективами и каждым военнослужащим задачи, иметь четкую программу их выполнения. Надо еще и еще раз взглянуть на себя, как бы со стороны, проанализировать свою позицию, стиль работы, качество выполнения обязанностей воинской службы и внести соответствующие коррективы. Офицерам, сержантам нужно всегда помнить, что в центре всей учебной и воспитательной работы должен быть человек. А в основе текущей деятельности – конкретное дело и высококачественное его выполнение.

С точки зрения психологической – нужно глубоко осознать и осмыслить новизну поставленных задач и возросшую ответственность за их выполнение. Важно психологически быть готовым к выполнению заданий любой сложности. Суть поворота в психологии должна состоять в том, что нельзя довольствоваться достигнутым, нельзя благодушествовать. Надо всегда помнить, что современные внешнеполитические реалии таковы, что они не дают нам права на самоуспокоенность. Наоборот, они настоятельно диктуют нам необходимость поиска, инициативы, творчества. Эти требования не новы для военнослужащего. Они – важнейшие составляющие его профессионализма, высокого интеллектуального уровня и чувства патриотического долга перед своей независимой Родиной.

С точки зрения организационной – быть на высоте решаемых задач – значит уметь организовать конкретное дело, добиться поставленной перед собой или коллективом цели. Пожалуй, это самая трудная сторона нашей повседневной деятельности, которая требует глубоких профессиональных знаний, компетентности, гражданского мужества и, **как неоднократно подчеркивал глава нашего государства, умения вести людей за собой.** Этот, последний, фактор – сердцевина организаторской работы. Можно сказать и так: профессионализм и компетентность, ответственность и взыскательность, поиск и творчество, умение практически организовать дело в условиях углубления военной реформы становятся драгоценными качествами каждого офицера и сержанта.

Сама жизнь, обстановка в мире и регионе настоятельно требуют резкого улучшения организаторской работы по выполнению планов и программ боевой и общественно-политической подготовки. Центр тяжести должен быть смещен в сторону будничной практической работы в учебном классе, на тренажере, на полигоне. Дело и только дело – вот основа успеха. Поменьше комплементарности, восхищений друг другом, побольше деловитости и ответственности за качественное решение стоящих задач, обязательное достижение намеченных рубежей. Эта мысль была особенно подчеркнута на заседании Кабинета Министров. Сегодня во всех сферах идет модернизация и техническое перевооружение. Оно, естественно, захватило и Вооруженные Силы. Поэтому овладение всеми видами вооружения и боевой техники, новейшими тренажерами, компьютерными, коммуникационными и информационными технологиями с высоким качеством и в кратчайшие сроки – первостепенная задача. Важно также, чтобы на полную мощность заработали те новые структуры и новые организационные образования, о которых говорится в Обращении Президента по случаю 17-летия Вооруженных Сил и которые призваны обеспечить надежную и эффективную защиту рубежей нашей Родины. Больше внимания уделять тактике вероятного противника, изучению его приемов, повадок и коварных методов. Каждую минуту учебного времени необходимо использовать с максимальной отдачей – в этом святой долг и обязанность командиров всех уровней.

С точки зрения духовно-нравственной – нам важно всегда помнить требования нашего Верховного Главнокомандующего: **«Деятельность командиров всех уровней должна быть направлена на формирование у офицеров, сержантов и солдат высоких духовных, морально-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма, чувства ответственности за судьбу Родины, укрепление ее независимости и безопасности».** Эту ответственность мы должны понимать двояко. С одной стороны – ответственность за огромное духовное богатство, материальную культуру, исторический опыт, традиции, заветы великих предков, которые достались нам в наследство. С другой – ответственность за то, чтобы все мы именно сегодня должны приумножать, поднимать на новую высоту достигнутое. И главное, увеличивать вклад каждого гражданина в наше святое дело – построения правового, демократического государства, гражданского общества. И каждого военнослужащего в дело дальнейшего повышения боеспособности Вооруженных Сил, боевой готовности каждой части и каждого подразделения. Именно в этом проявляется достойный ответ офицеров, сержантов и солдат на огромные успехи и достижения нашей независимой Родины в своем социально-экономическом развитии, успехи, достойные великого народа.

Анфим ХЛЫЗОВ.

МАҲОРАТ

Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

ҚАЛБИДА МАТОНАТ ТУЙҒУСИ

Офицерлик – шарафли касб. Бу касбни соҳага меҳр қўйган, ҳарбийликни қалб амри ва юрак даъвати билан танлаган асл мардлар, тақдирини Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ деб билган асл фидойи азаматлар танлашади. Юрт ҳимоячиси бўлишдек масъулият машаққатларини мардона енгиб ўтишга ўзларини чоғлаган бундай ўғлонларимиз ҳақида бемалол, матонат туйғуларини дилларига жо айлаган мардлар, десак хато қилмаймиз.

Лавҳамиз қаҳрамони лейтенант Шавкат Пармонов ҳам ана шундай оловқалб ўғлонлардан. Умидли ёш офицер айни пайтда гуруҳ командири вазифасида хизмат қилмоқда. Айнан унинг гуруҳи қисмда илғорлар сафидан ўрин олгани бежиз эмас, албатта. Чунки қўйилган вазифаларнинг ҳамиша сифатли ва ўз вақтида адо этилиши, барча машғулотлар ҳамда жамоат ишларидаги фаоллик, посбонлар ўртасидаги соғлом муҳит юксак натижага асос бўлмоқда. Шунингдек, бунда командирнинг гарчи ёш бўлса-да, шахсий таркиб билан иш олиб бора олиши, қўл остидаги ҳар бир ҳарбий хизматчининг индивидуал хусусиятларини билиши ва шу асосда у билан иш олиб боришга ёндашиши ҳамда ҳар доим шахсий намуна кўрсата билиши муҳим ўрин тутмоқда.

– Командиримиз лейтенант Пармонов етакчи ва яқин сафдош бўлиш билан бирга бизга дўстона муносабати билан намуна бўлиб келмоқда, – дейди у ҳақда кичик сержант Раҳим Зоиров. – Унга ҳатто, сирларингни айтишинг, маслаҳат, кўмак сўрашинг мумкин. Энг яхши томони, командиримизнинг посбонлар ўртасида аскарий биродарликни юксак қадрлаши ва ўзи ҳам унга мунтазам амал қилишидир.

– Ҳарбий хизматни ўташ жараёнида командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш маҳорати юксак бўлиши энг зарур талаблардан саналади, – дейди офицер Пармонов. – Бизга курсантлик пайтларимизда бу ҳақда устоз офицерлар доим таъкидлашарди. Ўз навбатида командир ўз вазифасини адо этаётганда амал қилиш лозим бўлган қатор талабларни ҳам унутмаслиги зарур. Айнан булар ёш офицернинг хизматни илк бошлаган кезларида янги жамоага киришиб кетиши ва келгуси натижаларида асосий ўрин эгаллайди. Бу борада бизга сабоқлар берган устозларимдан миннатдор бўлиб турибман.

Дарҳақиқат, офицер ва сержантларнинг чинакам профессионал бўлишида уларга соҳа сирларини мукаммал ўргатаётган фидойи устозлар хизматининг алоҳида ўрни бор. Устозлар меҳнати меваси – сафлардаги ёвқур ўғлонлар! Етук малакали офицер ёки сержант – устозлар меҳнатининг маҳсули! Эришилган муваффақиятли натижа – яхши устозлар таълим-тарбиясидан далолат.

Бу ҳақда гап кетганда лейтенант Пармонов хизмат машаққатларини енгишда маслаҳатлар бериб, қўллаб-қувватлаб келаётган малакали офицерлар Дилшод Бердиев, Музаффар Ҳасанов кабилардан доим миннатдор эканини алоҳида таъкидлади. Қолаверса, офицерларнинг биринчи ёрдамчилари саналган сержантлар кўмаги ҳам мудом асқотишини, бу борада гуруҳ илғорлари кичик сержантлар Раҳим Зоиров, Хуршид Воҳидов, Ойбек Алимов ва Дилшод Юнусовларнинг хизматлари салмоқли эканини эътироф этди.

Хуллас, ўз устида тинмай ишлаб, мунтазам равишда билим ва маҳоратини ошираётган қаҳрамонимиз ҳақида фақат илиқ фикрлар эшитдик. Дарвоқе, спортнинг қўл жанги турида иккинчи разряд соҳиби бўлгани ҳам ёш офицернинг асл профессионал сифатида шаклланишга интилишидан. Кўзлаган эзгу ниятларида унга омад ёр бўлсин.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Сержантлар – армиямиз суянчи ва таянчи

АЛОҚАНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ



Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Илёс Раҳимов ҳарбий соҳага улкан иштиёқ ва устувор мақсад билан кириб келган шижоатли ўғлонлардан. У ҳарб илми сирларини пухта эгаллаб, юрт осойишталигини асраш ишига ўз ҳиссасини қўшишдек шарафли мақсадни болалигиданоқ кўксига жо этди. Бу истак муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганида дилида янаям мустаҳкамланди. Юксак конституциявий бурчини десантчилар қисмида ўтаган шунқорга армия улкан мактаб бўлди. Ўз устида ишлаш, техника, жисмоний тайёргарлик ва соҳа бўйича билимларни пухта эгаллаб бориш баробарида ҳарбийликка ҳаваси ортган посбон қатъий мақсад билан шартнома асосида хизматда қолди.

Мана, бугун мардлар касбини танлаганига ҳам етти йилдан ошди. Ҳозирда алоқачи вазифасида ўз шарафли бурчини адо этаётган кичик сержант Раҳимов жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида ҳамиша илғорлар сафида бўлиб келмоқда. Сафдошларидан эса керакли пайтда ўз ёрдамини ва қимматли маслаҳатини асло аямайди. Хизматдош йигитлар унга ишончли дўст, жасур ва тажрибали ҳарбий сифатида ҳурмат билан қарайдилар. Машғулотларда ҳам доимо илғорлар сафида бўлган ўғлон соҳа билимларини қунт билан ўзлаштириб, мудом билим ва тажрибасини бойитиш ҳаракатида.

Чунки у зиммасидаги вазифанинг масъулиятини чуқур ҳис этади. Соҳа машаққатларини мардонавор енгиб ўтиши ва вазифасини сифатли ҳал этишида унга сержантлар тайёрлаш мактабида эгаллаган сабоқлари ғоят асқотмоқда. Шунингдек, бу борада билим ва тажрибаси юксак бўлган офицер ҳамда сержантлардан доимо тегишли маслаҳатлар олиб туради. Айнан шундай жонкуяр етакчилар сифатида офицерлар Бектош Алимов, Суҳроб Исаев, сержантлардан Жаҳонгир Шамсиддинов ва Иқбол Маматқуловларнинг номларини таъкидлаб ўтди, қаҳрамонимиз.

– Ҳарбий соҳада узлуксиз алоқани доимо таъминлаб туриш муҳимдир, – дейди у. – Ўзига бириктирилган мослама ёки техниканинг тўғри ишлаётганини, созлигини билиш, доимо тартиб-интизомли бўлиш, соҳани яхши ўрганиб, билимларини ошириб бориш ҳам асосий талаблардан. Шунга амал қилиб, жанговар техника, қурол-яроғ, алоқа воситалари ёки усулларига доир янгиликларни ўзлаштириб боряпман. Мақсадим, аъло даражада хизмат қилиб, эътибор ва ишончни оқлашдир.

Дарҳақиқат, ўқув машғулотларида сифатли ва тезкор алоқанинг ўрни қанчалик муҳим эканини яхши биламиз. Мисол учун, бўлинма тегишли вазифани адо этаётганда асосий кучлардан узоқда. Командир юқори қўмондонликка вазият юзасидан ахборот бериши керак. У алоқачига дарҳол штаб билан алоқа ўрнатиш тўғрисида буйруқ берди. Бундай кезларда алоқачи керакли каналнинг тезда қидириб топиши, шартли сигналларни қабул қилишни ва узатишни сифатли таъминлаши, қўшимча каналлар очишга эҳтиёж туғилганда буни амалга оширишни уддалаши ҳамда бошқа бир қатор вазифаларни тезда ҳал этиши лозимки, бунинг барчаси ундан ўта ҳушёр, вазифасига масъулият билан ёндашиш ҳамда аниқликни талаб этади. Зеро юқори қўмондонликка вазиятни билдириш, қўшимча кучларга эҳтиёж бор-йўқлигини етказиш, бошқарув штабидан тегишли буйруқларни қабул қилиш ва қаерда қандай ҳаракатланиш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмалар олиш айнан алоқа воситасида етказилади-да.

Кичик сержант Илёс Раҳимовнинг юксак натижаларга эришишида интилишу изланишлари қатори бевосита спорт билан ҳам мунтазам шуғулланиб келиши муҳим ўрин тутади, десак хато қилмаймиз. Бинобарин, миллий курашда иккинчи разрядни қўлга киритгани ва «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишонлари соҳиби бўлгани ҳам ўғлоннинг ғайрат-шижоатини яққол кўрсатади. Бундан эса кўринадики, профессионал посбон ҳар жиҳатдан ўз номига мосдир.

Шоҳруҳ КОМИЛОВ.

НАДЕЖНОСТЬ ТЕХНИКИ ГАРАНТИРУЕТ

Начальник службы части капитан Бекзод Шамонов не водит подчиненных в учебный бой. Но от того, насколько водители и ремонтники выполняют свои служебные обязанности, во многом зависит успешное выполнение стоящих перед подразделениями задач в ходе полевых занятий и учений. Ведь успех в современном бою в значительной мере определяется надежностью и боеготовностью имеющейся на вооружении автомобильной и другой техники.

Особенно нелегко организовать качественное техническое обеспечение подразделений в ходе занятий и учений в горно-пустынной местности. В условиях, приближенных к боевым, автомобильная и бронетанковая техника используется особенно интенсивно, порой вне дорог, что приводит к повышенному износу деталей механизмов и агрегатов. Поэтому в целях обеспечения ее постоянной боевой готовности и надежной работы капитан Б. Шамонов перед полевым выходом в плановом порядке предусмотрел необходимые меры по своевременной организации ее технического обслуживания, ремонта и эвакуации. Выпускник Чирчикского ВТКИУ 2003 года имеет отличную подготовку и свое дело знает досконально.

Боевая готовность каждой машины определяется не только ее исправностью, надежностью, но и наличием подготовленного экипажа (водителя), укомплектованностью положенными запасными частями. Обеспечение каждой единицы техники инструментом, приспособлениями, светомаскировочными устройствами, своевременной заправкой горючим, смазочными и другими эксплуатационными материалами – все это непосредственная забота начальника службы с целью обеспечения качественного выполнения предстоящей задачи. Как и обучение личного состава особенностям эксплуатации, вождения и эвакуации машин в горах, где ограниченное количество дорог, пригодных для перемещения, а наличие большого числа подъемов и спусков, крутых поворотов и труднопроходимых участков затрудняет вождение.

Сегодня, когда в части завершается перевод техники на режим зимней эксплуатации, особое внимание уделяется тщательной проверке и подготовке машин, особенно тормозных систем и механизмов управления, специальной регулировке приборов системы питания. Все это позволит военнослужащим части успешно выполнить все задачи полевых выходов в зимних условиях.

Капитан Бекзод Шамонов, чей самоотверженный труд не остался незамеченным старшим командованием, по итогам занятий был поощрен Почетным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан. По заслугам и честь!

Владимир КАЛОШИН.
Фото Х. МИРЗАЕВА.

ASKAR

SARHADLAR DAXLSIZLIGINI TA'MINLAB...



Har bir o'g'lon ulg'aysa yurt qo'rishni, askar bo'lishni orzu qilishini barcha yaxshi biladi. Quvonarlisi, bugun yoshlarning armiyaga, muddatli harbiy xizmatga bo'lgan munosabati tubdan o'zgardi. Bu albatta, islohotlar samarasi.

Zuhriddin ham bolalikdan askar bo'lishni orzu qilib keladi. Namangan viloyatining Yangiqo'rg'on tumanida kamol topgan shunqor kasb-hunar kollejini bitirgach, tuman mudofaa ishlari bo'limiga chaqirildi. Armiyaga borish istagida bo'lgan o'g'longa bu yerda muddatli harbiy xizmatga belgilangan ko'rik-tanlovlar orqali saralanib olinishi, uning tartibi tushuntirildi. Maktabda, so'ngra kasb-hunar kollejida puxta ta'lim olgan, darslardan bo'sh vaqtlarida esa sport bilan muntazam shug'ullangan, ma'nan va jismonan barkamol shunqor belgilangan ko'rik-tanlovda eng yuqori ko'rsatkichlardan birini qayd etib, chegara qo'shinlari safida muddatli harbiy xizmatni o'tash imkoniyatini qo'lga kiritdi.

Oddiy askar Zuhriddin Obidovni taniganlar uning bilimli, intiluvchan, eng muhimi, o'z ishini yaxshi biladigan posbonlardan ekanini ta'kidlaydilar. Ustoz ofitserlar va serjantlar ko'magida Umumharbiy nizomlarni, jangovar texnikani va harb ilmining sirlarini puxta o'rgandi. Mana, zimmasidagi konstitutsiyaviy burchini ado etayotganiga ham hademay bir yil to'ladi. Hayot maktabining saboqlari uni hayotga yanada teran nigoh tashlashga, voqea-hodisalarni chuqur mushohada qilishga, har qanday sharoitda to'g'ri qaror qabul qilishga o'rgatyapti. Quvonarlisi, bilimli va shijoatli posbon hamisha bildirilgan ishonchga munosib ekanini isbotlashga intilib keldi.

...Tun. Chegara postida oddiy askar Obidov belgilangan tartibga muvofiq o'ziga biriktirilgan hududni qo'riqlamoqda. Sarhadlarimiz daxlsizligiga javobgarlik har bir harbiy xizmatchidan ulkan mas'uliyatni talab qilishini, bunday damda sezgirlik va ogohlik posbonning asosiy quroliga aylanishi lozimligini ustoz ofitserlardan ko'p eshitgan shunqor bir lahza ham hushyorlikni qo'ldan bergani yo'q. Soat tungi uchlarga yaqinlashganda o'g'lon allaqanday sharpa va shitirlagan ovozlarni eshitganday bo'ldi. Vaziyatga aniqlik kiritish maqsadida diqqatini bir yerga jamlab, bildirmasdan tovush kelayotgan tomonga yaqinlashdi va atrofni kuzata boshladi. Shu payt uzoqdan shubhali kimsaning qandaydir yuk bilan chegara postiga yaqinlashayotganiga ko'zi tushdi. Posbon tartibga ko'ra chegarabuzarni ogohlantirib, osmonga qarata o'q uzdi. U ogohlantirishni e'tiborsiz qoldirib qocha boshlagach, qat'iy choralarni qo'llab, uni ta'qib qildi va qo'lga tushirishga muvaffaq bo'ldi.

Bu kabi voqealarga chegarachi posbon xizmati davomida ko'p bora duch kelgan. E'tiborlisi, ularning barchasida zimmasidagi vazifani vijdonan bajarib, ishonchni oqlashga muvaffaq bo'lgan. O'g'londagi burchga sadoqat, jasorat va matonat munosib baholanib, qo'mondonlik tomonidan tashakkurnoma bilan taqdirlangan.

Milliy armiyamiz saflarida shundayin posbonlarning borligi ko'ngillarda faxr tuyg'usini uyg'otadi.

Abdulloh NIYOZOV.

ISMIGA MUNOSIB O'G'LON

Millatdoshlarimiz orasida Otabek degan ismning ko'pligiga e'tibor berganmisiz. Ha, ha, bu o'sha siz-u bizga benihoya qadrdon bo'lgan ism, Abdulla Qodiriyning mashhur «O'tkan kunlar» romani bosh qahramonining ismidir. Bu roman millatdoshlarimiz ko'nglidan shu qadar joy olganki, yurtdoshlarimiz hamon shu ismni farzandlariga mehr bilan qo'yadilar.

Oddiy askar Otabek Mamadiyorov Samarqand viloyatining Bulung'ur tumanidan. Yigitning ismidan ham ko'rinib turibdiki, «O'tkan kunlar» u voyaga yetgan oila uchun ham sevimli bo'lgan. Otabek tumandagi 15-umumta'lim maktabida tahsil olgan. Maktabda a'lo va yaxshi baholar bilan o'qidi. Sportga bolaligidan qiziqib keladi. Tuman miqyosida o'tkaziladigan sport bellashuvlarida bir necha bor faxrli o'rinlarni qo'lga kiritgan.

Ma'lumki, muddatli harbiy xizmatga yoshlarimiz jiddiy va murakkab bo'lgan tanlovlar orqali olinadilar. Ana shu tanlovlarda Otabek dastlab jismonan baquvvatligi bilan e'tiborni tortgan bo'lsa, test sinovlarida bilimdonligi bilan ham tengdoshlaridan anchagina ustunligini ko'rsatdi. Natijada chaqiruv komissiyasi uni bir ovozdan chegara qo'shinlarida xizmat qilishga loyiq deb topdi. Bundan nafaqat yigitning o'zi, balki oila a'zolari ham benihoya xursand bo'ldilar.

Mana, Otabekning chegara qo'shinlarida xizmat qilayotganiga ham bir yilga yaqinlashib qoldi. O'tgan davr mobaynida u namunali xulqi va a'lo xizmatlari bilan komandirlari e'tiboriga tushdi, safdoshlarining hurmatini qozondi.

Harbiy xizmatning eng unutilmas voqealaridan biri bo'lgan Harbiy qasamyod qabul qilish kunida yigitning ota-onasi ham uning yonida bo'ldilar. Bu unga yanada ko'tarinki ruh baxsh etdi. Va bu ko'tarinki ruh yigitning mas'uliyatli xizmatida yo'ldosh bo'lib kelmoqda, desak mubolag'a bo'lmaydi.

– Men chegara qo'shinlarida xizmat qilayotganimdan g'ururlanaman, – deydi oddiy askar Otabek Mamadiyorov. – Yigit uchun yurt tinchligi, xalq osoyishtaligi yo'lida xizmat qilishdan ham sharafli vazifa yo'q. Kelajak orzularim katta. Oliy harbiy bilim yurtiga kirib o'qishni niyat qilganman. Hayotimni armiya bilan bog'liq holda tasavvur qilaman.

Ayni kunda chegarachi yigit ko'plab safdoshlari kabi o'z burchini sharaf bilan o'tamoqda. Uning bugungi yutuqlari ertangi kuniga ham poydevor bo'lishi shubhasiz. So'zimizni shu yerda muxtasar qilishdan oldin yana Qodiriyning Otabegi haqida aytib o'tishni lozim topdik. U nafaqat olijanob oshiq yigit edi, balki yog'iyga qarshi qahramonona jang qilgan jasur jangchi ham bo'lgan. Bizning askar o'g'lon ham har tomonlama o'z ismiga munosibdir.

Nazokat NODIRSHOHOVA.

SPORTCHI POSBONLAR YUTUG'I

Bugun askarlikni sharaf deb bilgan yigitlarimiz Qurolli Kuchlarimiz saflarida namunali xizmat qilishib, yurtimiz tinchligi yo'lida munosib hissa qo'shib kelishyapti. Shuningdek, ular armiyada har tomonlama toblanib, komil inson sifatida kamol topishmoqda.

Maqolamizda yigitlik burchlarini namunali o'tab kelayotgan oddiy askarlar Ruslan Qurbonov va Izzat Avezovlar haqida so'z yuritmoqchimiz. Ularning ikkalasi ham qismda o'qchi vazifasida xizmat qilishib, jangovar shaylikka ulkan hissa qo'shib kelayotgan posbonlardan. Bu ikki o'g'lonning yana bir o'xshashlik jihati sport bo'yicha erishgan yutuqlaridir.

– Xizmatimni boshlaganimga to'qqiz oy bo'ldi, – deydi oddiy askar Qurbonov. – Armiya hayotiga ancha ko'nikib qoldim. Tajribali ofitser va serjantlardan harbiy soha sir-asrorlarini puxta o'zlashtirib, yurt posboni degan sharfli nomga munosib bo'lishga harakat qilayapman.

– Harbiy xizmat menga ko'p narsani o'rgatdi, – deydi oddiy askar Avezov. – Yangi o'quv yili mashg'ulotlarini ko'tarinki ruhda boshladik. Ayni kunlarda mahoratimizni, bilim va ko'nikmalarimizni oshirayapmiz. Dala-o'quv mashg'ulotlarida faol qatnashib, vazifam bo'yicha egallagan bilimlarimni amaliyotda sinab, yanada boy tajribaga ega bo'lyapman.

Ruslan Surxondaryo viloyatining Angor tumani mudofaa ishlari bo'limi tomonidan muddatli harbiy xizmatga chaqirilgan. Armiyaga qadar Termiz pedagogika kollejining huquqshunoslik fakultetida saboq olgan. Ma'lumki, Surxon vohasi azaldan kurashchi polvonlari bilan mashhur. Ruslanning qalbida ham yoshligidan milliy kurashga qiziqish va ishtiyoq paydo bo'ldi. U polvonlikning sir-asrorlarini o'rgana boshladi. 2001 yilda yoshlar o'rtasida o'tkazilgan Respublika chempionatida 77 kg vazn toifasida ishtirok etgan qahramonimiz 2-o'rinni qo'lga kiritishga muvaffaq bo'ldi. Va bu g'alabasi unda yanada ulkan zafarlarga erishishi uchun katta turtki bo'ldi. 2005 yilda «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy kengashi tashabbusi bilan Termiz shahrida o'tkazilgan ochiq chempionatda u o'z vazn toifasida faxrli birinchi o'ringa sazavor bo'ldi. Sport bilan muntazam shug'ullanib, jismoniy chiniqqan o'g'lon armiyada ham bu borada ko'plab yutuqlarga erishdi. Jumladan, okrugda o'tkazilgan harbiy ko'pkurashda ishtirok etgan Ruslan yaxshi natijani qayd etdi. Uning bu yutug'i munosib baholanib, qo'mondonning Faxriy yorlig'i bilan taqdirlandi. Shuningdek, qismda turli sana va bayramlarga bag'ishlab o'tkazilgan sport musobaqalarida ham faol ishtirok etib, kurash bo'yicha o'z mahoratini namoyish qilib kelmoqda.

– Milliy kurash bilan shug'ullanganim xizmatim mobaynida menga katta yordam berayapti, – deydi Ruslan. – Shuningdek,



armiyada ham ma'nan, ham jismonan kamol topib, soham bo'yicha bilimlarni puxta egallayapman. Maqsadim Qurolli Kuchlar safida shartnoma asosida xizmatimni davom ettirishdir. Albatta, bu niyatimga erishishimda olayotgan saboqlarim asqotishiga ishonaman.

Yana bir qahramonimiz oddiy askar Izzat Avezov Xorazm viloyati, Urganch shahar mudofaa ishlari bo'limi tomonidan muddatli harbiy xizmatga chaqirilgan. Urganch axborot texnologiyalari kollejining iqtisod fakultetini tugatgan.

– Ilk harbiy bilim va ko'nikmalarga ham aynan mazkur kollejda chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani orqali ega bo'lganman, – deydi Izzat. – Shu bois xizmatimning ilk damlaridanoq armiya hayotiga osongina ko'nikdim. Bu yerdagi shart-sharoitlar, biz posbonlarga ko'rsatilayotgan e'tibor va g'amxo'rlik Vatan oldidagi sharafli burchimizni munosib o'tashimizga keng zamin yaratayapti. Umuman, desantchilar safida xizmat qilayotganimdan faxrlanaman.

Oddiy askar Avezov ham yoshligidan sportning boks turi bilan shug'ullanib kelgan. U ilk g'alabasini 2007 yilda Toshkent shahrida «JAR» sport majmuasida Rufat Risqiyev sovrini uchun o'tkazilgan turnirda qo'lga kiritgan. Shuningdek, yoshlar o'rtasida o'tkazilgan viloyat birinchiligida ham faol ishtirok etib, faxrli o'rinlardan birini qo'lga kiritgan. Qismda ham sport musobaqalarida ishtirok etib, boks bo'yicha yaxshi natijalarni qayd qilib kelayapti.

Muddatli harbiy xizmat uning qalbida sharafli kasbga nisbatan mehr va qiziqish uyg'otdi. Shu boisdan kelajakda Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurtiga o'qishga kirib, xizmatini ofitser sifatida davom ettirishni maqsad qilgan.

– Oddiy askarlar Qurbonov va Avezovlar vzvoddagi eng ilg'or posbonlardan, – deydi ofitser Umid Matyoqubov. – Ular jangovar, ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg'ulotlarida hamisha oldingi safda bo'lishib, safdoshlariga o'rnak bo'lib kelishayapti. Shuningdek, vazifalarining sir-asrorlarini ham mukammal egallagan posbonlar o'z mahorati va bilimini namoyon etishib, jangovar shaylikka munosib hissa qo'shib kelishmoqda.

Darhaqiqat, bugungi posbonlardagi g'ayrat va shijoat, intiluvchanlik, mahorat va bilim ularni o'quv yili mashg'ulotlarida faol qatnashib, yuqori natijalarga erishishga chorlamoqda. Zero, har bir posbon Vatan himoyachisi degan sharafli nomga munosib bo'lishi uchun o'qib-o'rganishi, o'z ustida tinimsiz mehnat qilib, harbiy soha sir-asrorlarini mukammal egallamog'i lozim. Oddiy askarlar Ruslan Qurbonov va Izzat Avezovlar ham ana shunday marralardan sabot bilan o'tib, o'quv yili mashg'ulotlarida ilg'orlar safidan joy olishga harakat qilayotgan posbonlardandir.

Kichik serjant Ahror OCHILOV,
«Vatanparvar» muxbiri.
Muallif suratga olgan.

ЭҲТИРОМ

Их наградила Родина

БЕЗ РИСКА ОСЛОЖНЕНИЙ

Работу такого крупного многопрофильного госпиталя, как ЦВКГ Министерства обороны, невозможно представить без наличия серьезной службы анестезиологии и реанимации. Жесткий график сложнейших, а подчас уникальных операций, требует наличия высококвалифицированных анестезиологов-реаниматологов, профессионально владеющих различными видами общей, регионарной и комбинированной анестезии и методиками послеоперационной реабилитации.

Работой этих специалистов вот уже двенадцать лет руководит полковник медицинской службы Акбарали Эргашевич Саттаров, главный анестезиолог – начальник отделения анестезиологии и реанимации Центрального военного клинического госпиталя Министерства обороны Республики Узбекистан.

Сочетание огромного практического опыта сотрудников отделения, современного оборудования и новейших лекарственных препаратов позволяет проводить операции любой сложности на максимально безопасном для пациентов уровне. После операции пациент попадает в заботливые руки врачей и медсестер отделения анестезиологии и реанимации. Их задача: устранить риск постоперационных осложнений, блокировать послеоперационную боль, обеспечить тщательный уход за больными и подготовить его к переводу в профильное отделение под контроль лечащего врача.

Помимо предотвращения боли во время хирургических операций в сферу анестезиологии входят также реанимация и определенные виды терапии. Несколько лет назад Акбарали Эргашевич лично участвовал в проведении операции капитану милиции, который был доставлен в госпиталь в очень тяжелом состоянии.

В результате проведенных реанимационных мероприятий офицер не только выздоровел, но и продолжил службу. А только принявшему должность начальника отделения анестезии и реанимации ЦВКГ А. Саттарову приказом Министра обороны было досрочно присвоено воинское звание майор.

Сколько таких эпизодов было в жизни военного врача! В 1993 году заведующий отделом анестезиологии и реанимации районной больницы Мархаматского района, воодушевленный обретением республикой независимости, принял решение стать офицером, посвятить жизнь защите Родины. Сегодня полковник А. Саттаров один из ведущих специалистов республики, он постоянный участник международных конференций и съездов врачей-реаниматологов, его ученики возглавляют самые ответственные участки в гарнизонных госпиталях. По разработанным им методикам лечатся и выздоравливают сотни больных.

Его труд по сохранению здоровья защитников Родины высоко оценен государством. Накануне 18-й годовщины Независимости за большие заслуги в повышении боевой и политической подготовки Вооруженных Сил страны, обеспечении спокойствия нашего народа, а также проявленное мужество, отвагу и самоотверженность при выполнении служебного долга по защите национальных интересов, обеспечению мира, стабильности и общественного порядка в стране Указом Президента Республики Узбекистан полковник А. Саттаров награжден орденом «Мехнат шухрати».

Николай ВЛАДИМИРОВ.
Фото **автора.**

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН КАСБИ

Танлаган касби орқали инсон бошқаларга наф келтирса, одамларнинг оғирини енгил, яқинини узоқ, мушкулини осон қилса, дардларига малҳам бўлса, ҳаётидан мамнунлик ҳиссини туяди. Айниқса, ўзбекнинг қон-қонига эзгуликка ташналик сингиб кетган, десак хато бўлмас. Лавҳамиз қаҳрамони кичик сержант Муҳайё Шакарова ҳам касби туфайли эл ичра эъзоз, эҳтиром топганлардан. Ватан ҳимоячиларининг саломатлигига масъул бу аёл тўғрисида ҳамкасблари, посбонлар фақат илиқ фикрларни билдирадиларки, бу ҳам бўлса унинг касбига садоқати, соҳа сирларини пухта ўзлаштирганлиги, қўли енгиллигидан. Ҳарбий қисм тиббиёт пунктига шифо истаб келган борки, чаққон ва ширинсўз ҳамширанинг фаолиятидан, зиммасидаги вазифани сидқидилдан адо этишидан хурсанд.

Шифокорлик – шарафли, шунинг баробарида ғоят масъулиятли касб. Чунки саломатлик посбонларининг ҳар бир айтган сўзи, муолажаси беморнинг соғлиғига ижобий ёки акс таъсир этиши мумкин. Ҳаётда шундай воқеалар бўлганки, ниҳоятда оғир аҳволдаги, тузалишидан умид бўлмаган хасталар ҳам шифокорларнинг ширин сўзи, руҳий мадади туфайли соғайиб кетишган. Буни яхши билган Муҳайё беморлар билан хушмуомала бўлишга, уларнинг кўнглини кўтаришга, далда беришга ҳаракат қилади.

У болалигидан эгнига оқ халат кийишни, қўли енгил, билимдон ҳамшира бўлиб етишишни орзу қиларди. Шу боис Ўрта Чирчиқ туманидаги 3-умумтаълим мактабининг 11-синфини тамомлагач, Чирчиқ тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. Билим юртида кўп йиллик билим ва малакага эга педагоглар, соҳа сирларидан яхши хабардор устоз шифокор ва ҳамширалардан тиб илмини ўзлаштирди, уларнинг ҳаётий тажрибаларидан ўрнак олишга интилди. Табиийки, устозлар ҳам изланувчан, билимга ташна, аълочи бу қизга алоҳида эътибор қаратишар, унга ҳар томонлама ёрдам беришга, эришаётган кичик-кичик муваффақиятларини рағбатлантириб боришга ҳаракат қилишарди. Муҳайё айниқса, устозлари Муяссар Раҳимова, Анвар Ортиқовларнинг исмларини ҳурмат билан тилга олади, улардан жуда кўп нарсани ўрганганини, шу даражага етишида мазкур соҳа фидойиларининг хизмати катта бўлганини қайта-қайта таъкидлайди.

Билим юртида таҳсилни якунлагач, даставвал қишлоқ врачлик пунктида участка ҳамшираси сифатида иш бошлади. Бу ерда ўрганган билимлари, сабоқларини муваффақиятли татбиқ этди, ўзининг ижобий фазилатлари туфайли эл оғзига тушди. Бу ерга шифо истаб келганларнинг кўпчилиги масъул шифокордан «муолажани Муҳайёхон қилсин», деб сўрашлари ҳам шундан. Ҳали ёш бўлишига қарамай бундай ишонч ва эътиборга сазовор бўлиб улгургани унинг қалбида касбига меҳрни аланга олдирар, билимларини янада бойитишга, ўз устида мунтазам ишлашга ундарди.

У қишлоқ врачлик пунктида саккиз йилдан ошиқроқ вақт фаолият юритди, ҳамшира сифатида анча шаклланди, "суяги қотди". Ўтган вақт давомида билимлари бойиди, ўзига бўлган ишончи ҳам ортди.

2000 йилда у ҳарбий қисм тиббиёт пунктига ишга қабул қилинди. Бу ерда ҳам ўзини яхши томонлама кўрсата олди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Қуролли Кучларимиз сафига хизматга чақирилди ва эгнига ҳарбий либос кийди. Бу эса унинг зиммасига янада улкан масъулият юклади. Чунки посбонлар соғлиғига жавобгарлик кишидан соҳа бўйича юксак билим, тажриба ва жавобгарликни талаб қилади. Шу боис у эътиборли бўлишга одатланди, илгаригидек ўз устида ишлашни канда қилмади. Ҳарбий қисм тиббиёт пунктида узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатган тиббий хизмат подполковниги Зуҳриддин Умаров, тиббий хизмат майори Ҳикмат Холмирзаев, кичик сержант Абдутолиб Очиловларни ўзига устоз деб билади, ҳали-ҳануз улардан ниманидир ўрганишга ҳаракат қилади.

Интилувчан ва изланувчан ҳамшира Сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олган. Фидойилиги, касбига садоқати, илғорлиги сабаб бир неча бор тақдирланган. Хусусан, 2002 йилда "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган бўлса, намунали фаолияти билан сафдошлари, ҳамкасбларига ибрат бўлиб келаётгани боис кўп марта ҳарбий қисм қўмондонининг фахрий ёрлиғини қўлга киритган.

– Кичик сержант Шакаровани анча йилдан буён биламан, – дейди офицер Дилмурод Исроилов. – Ишига пухта, ширинсухан, вазифасини юракдан адо этади, энг муҳими, касбини севади. Посбонларимиз ҳам ҳамширанинг хизматларидан мамнун. Тиббиёт пунктимизда ана шундай қўли енгил, билимдон саломатлик посбонларининг кўплигидан хурсандмиз.

Сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз осойишталигини қўриқловчи Ватан ҳимоячиларининг саломатлиги хусусида қайғурадиганлар сафида эканлигидан ўзи ҳам фахрланади, ғурурланади. Айни пайтда санитар-йўриқчи вазифасида ишлаб келаётган М. Шакарова бир фарзандининг севимли онаси. Қувонарлиси, ҳозирда тиббиёт коллежида ўқиётган ўғли Шокирбек Жуманов келгусида ҳарбий шифокор бўлишга аҳд қилган.

Излаган имкон топар, дейди халқимиз. Шарафли касбни ардоқлаб келаётган, касбидан фахр топган лавҳамиз қаҳрамонининг янада улкан ютуқларни қўлга киритишига, ҳалол меҳнати билан мудом эл назарида бўлишига тилакдошмиз.

Абдулла СОБИРҚУЛОВ.

● ЗАМОНАВИЙ УСКУНА ВА ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН ҲАРБИЙ-ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИМИЗ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИГА ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН ДАЛОЛАТ.

ЭҲТИРОМ

НАМУНАЛИ ШИФО МАСКАНИ

Юртимизда ҳукм сураётган осойишталик, фуқароларнинг хатардан, таҳликадан холи турмуш кечириши, сарҳадларимиз дахлсизлиги ҳар жиҳатдан Ватан ҳимоячиларининг касбига меҳридан, бурчига садоқатидан. Ҳурлик, тинчлик йўлида кўкси қалқон, Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган посбонлар сабаб кўнгилларда хотиржамлик, тилларда шукрона. Шу боис ҳам халқимиз шарафли касб эгаларини улуғлайди, эҳтиром кўрсатишади.



Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, хизмат давомида учрайдиган ҳар турли машаққатларни писанд қилмай юрт осойишталигини таъминлаш билан машғул Ватан ҳимоячиларининг саломатлигига жавобгарлик соҳа ходимларидан улкан масъулиятни талаб қилади. Зотан, посбонлар саломатлигини асраш бу дориломон, фаровон кунларимизнинг давомийлигини мустаҳкамлаш демак.

Ҳарбий хизматчиларга, госпиталларда тиббий ёрдам кўрсатилишини кўпчилик яхши билади. Бироқ посбонларга тиббий хизмат кўрсатадиган кичикроқ тиббий муассаса ҳам борки, уни лазарет деб номлашади.

«Ҳарбий терминлар изоҳли луғати»да: «**ЛАЗАРЕТ** (фр. **lazaret,** итал. **lazzaretto**), ҳарбий қисм (кема), ҳарбий ўқув муассасасининг кичик ҳарбий даволаш маскани ёки госпиталь типидаги алоҳида даволаш маскани. Баъзи давлат армияларида лазарет муолажаси узоқ давом этишни ёки мураккаб текширувларни талаб қилмайдиган ярадорлар ва касалларни даволаш учун мўлжалланган», деб изоҳ берилган.

Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз, Марказий ҳарбий округдаги ҳарбий лазарет ҳам ана шундай шифо масканларидан. 2003 йилда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига кўра ташкил этилган мазкур тиббий муассаса даставвал ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларига амбулатор тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган эди. 2007 йилга қадар шу тахлит фаолият юритгач, посбонларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, бу борада замонавий илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини қўллаш, соҳага етук мутахассисларни жалб этиш мақсадида лазаретда бўлимлар сони кўпайтирилиб, стационар даволаниш йўлга қўйилди. Айни пайтда бу ерда жарроҳлик, ички ва юқумли касалликлар бўлимлари, даволаш-диагностика кабинетлари – физиотерапия, электрокардиография (ЭКГ), рентген, ультратовуш асосида текшириш хоналари, лабораториялар беморларга хизмат кўрсатмоқда.

– Беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг дардларига малҳам бўлиш, хаста кўнгилларга хурсандчилик бағишлаш учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган, – дейди ҳарбий лазарет бошлиғи тиббий хизмат майори Камолиддин Нурмуродов. – Айниқса, стационар даволаниш жорий этилиб, моддий-техник база тубдан янгиланган, кўплаб замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида аниқ ташхис қўйиш, касалликларнинг олдини олиш, самарали муолажа чораларини қўллаш имкони юзага келди. Шифо масканимизда фаолият юритувчи шифокорлар орасида тиббиёт фанлари номзодлари, олий ва биринчи тоифалари шифокорлар, соҳасининг устаси бўлган тиббиёт ходимлари ва ҳамшираларкўпчиликни ташкил этади. Уларнинг билимларини мустаҳкамлаб бориш, малака ва маҳоратларини ошириш, бу орқали тиббий хизмат кўрсатиш кўрсаткичларини янада яхшилашга эришиш мақсадида ходимларни соҳага оид ўқув ва малака ошириш курсларига юбориш, бошқа ҳарбий лазарет ва госпиталларда, шунингдек, марказий шифохоналарда фаолият юритувчи етук мутахассислар билан самарали ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган йиллар мобайнида лазаретда гарнизон ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларидан кўпчилигига стационар ва амбулатор тарзда тиббий ёрдам кўрсатилди. Энг муҳими, мурожаат қилувчиларнинг барчаси малакали хизмат кўрсатилишидан, амалга оширилган ўзгаришлардан мамнун.

– Ҳарбий лазаретда даволанишимиз, малакали тиббий хизматдан фойдаланишимиз учун кўнгилдагидек шароитлар мавжуд, – дейди офицер Ўктам Шодиевнинг рафиқаси Нигора Абдуллаева. – Илгари муолажага эҳтиёж сезсак, фақаттина қатнаб даволаниш мумкин эди. Икки йил аввал стационар тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди ва бу беморларга бир қанча қулайлик туғдирмоқда.

– Бу ерда ҳарбий хизматчилардан ташқари уларнинг оила аъзолари ҳам зарурий тиббий муолажалардан, шифокорлар ёрдамидан фойдаланишлари мумкин, – дейди терапия бўлими бошлиғи тиббий хизмат подполковниги Рустам Ўрозов. – Беморларга саломатликлари, касалликнинг келиб чиқиши, даволаш узвийлигига қараб турли муолажа усуллари таклиф этилади ва уларнинг хоҳиш-истаклари асосида тегишли даво чоралари қўлланади. Бундан ташқари, ҳарбий лазаретда фаолият юритувчи шифокорлар ҳарбий қисмлардаги тиббиёт пунктлари ходимларига амалий ва ғоявий кўмак бериб келишмоқдаки, бундайин ўзаро тажриба алмашув посбонларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлайди. Эътиборлиси, ҳарбий лазаретда ишлаб, Ватан ҳимоячиларининг саломатлиги хусусида жон куйдириб келаётган ҳар бир инсон, хоҳ у олий маълумотли шифокор бўлсин, хоҳ ҳамшира, билимларини бойитиб, маҳоратларига сайқал бериб боришга одатланишган. Буни уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳам тасдиқлаб турибди. Госпиталлар ҳамширалари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган кўрик-танловларда лазарет ҳамширалари ҳам мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлиб келишади.

Кундалик юмушлари, хизмат вазифалари, топшириқларни бажариш жараёнида ўқиб-изланишга, устозлар тажрибасини ўрганишга, олган сабоқларини амалиётда муваффақиятли қўллашга ҳаракат қиладиган оқ либос эгаларининг интилувчанлигига, яхшилик йўлида тиниб-тинчимаслигига тан бермай илож йўқ. Ён-атрофимизда ана шундай куйинчак, эл дарди билан яшайдиган, зиммасидаги вазифани сидқидилдан адо этадиган ана шундай саломатлик посбонларини кўрганда, беихтиёр: «Яхши ҳамки, шундай инсонлар бор-а!» деб юборасан киши. Чунки соғлиқ одамзодга берилган энг улуғ, баҳосини дуру жавоҳирлар билан ҳам ўлчаб бўлмайдиган неъматдир. Шу боис ҳам Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бунга урғу бериб, **«... ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир»** деган эди. Дарҳақиқат, юрт тараққиёти ҳар жиҳатдан соғлом миллатга, саломатлиги тугал авлодга боғлиқдир. Ватанни ҳимоя қилишга ҳам фақат энг сара ўғлонларгина лойиқ деб топилади. Посбонларимиз саломатлигини асраш йўлида ҳормай-толмай хизмат қилаётган соҳа ходимларининг келгуси фаолиятлари бунданда мазмунли, ютуқларга бой бўлишини тилаб қоламиз.

Жасул ЎРОЛОВ.

МОҲИР ЖАРРОҲ, ТАЛАБЧАН ШИФОКОР

Инсон учун энг катта бойлик нима, деган саволга кўпчилик, албатта саломатлик-да, деб жавоб беради. Ҳа, биз учун саломатлик тенгсиз бойлик. Соғ одамнинг ишида, ўқишида унум бўлади, бу гўзал ҳаёт унинг кўзига янада жозибали кўринади, энг асосийси, эртанги кун умиди билан яшайди. Лекин шундай вақтлар бўладики, кишининг тоби қочиб, кўнгилга ҳеч нарса сиғмай қолади. Гўёки унинг хаёлида ҳамма нарса остин-устун бўлиб кеттандай руҳан тушкунликка тушиб қолади. Ана шундай оғир вазиятда унинг жонига оро кириб, яна бахтли ҳаётга қайтарадиган бир нозик ва масъулиятли касб эгалари борки, биз уларни шифокорлар деймиз. Зеро, уларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига соғлиғимиз қайта тикланади. Мақоламиз қаҳрамони ҳам ушбу машаққатли ва шарафли йўлни танлаган шифокорлардан бири — Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий поликлиникаси жарроҳлик бўлими жарроҳи Самидулла Қосимовдир.

Самидулла Қосимов мана кўп йилдирки, ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғини сақлашдек эзгу ишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари бугун муносиб эътирофга эга. Ҳа, инсон ҳаётда изланиб, унинг синовларида тобланиб боради. Қилган ҳалол меҳнатлари, чеккан машаққатлари эвазига юксак мартаба – эл ҳурматига сазовор бўлади. Зеро, умрни эзгулик безайди, деб бежиз айтишмайди. Савобли, хайрли ишлар кишининг эл орасида, ҳамкасблари орасида қадрли бўлишига хизмат қилади. Қаҳрамонимиз ҳам ана шундай мартабага сазовор бўлган инсонки, бу унинг фидойи хизматлари ва юксак инсоний фазилатлари туфайли эришган ютуғидир. Келинг, унинг ҳаёт фаолиятига бир назар ташлаймиз.

Инсон қалбига эзгу орзу-ният болаликданоқ ошно бўлади. Одатда, болаликдаги орзулар юракда бир умрга муҳрланади. Шу боис балоғатга етганда ҳам ана шу болалик орзуимизга етишиш йўлида ҳаракат қиламиз. Ёш Самидулланинг қалбида шифокорликка ҳавас уйғонганда ҳали мактабга ҳам бормаган эди. Унинг хаёллари чексиз, орзулари осмон каби беғубор эди. Шифокорлик ҳақида болаларга хос шавқ-завқ билан гапирганида, онаси уни бағрига босиб шундай дерди:

– Болажоним, албатта сен шифокор бўласан. Инсонларга шифо улашиб уларнинг дуоларини оласан. Шунинг учун фақат яхши ўқигин. Яхши ўқисанг, орзуларингга албатта етишасан...

Ҳа, агарда юракдаги ният холис бўлса ҳамда инсон бу мақсадга эришиш йўлида тинмай ҳаракат қилса, орзулар рўёбга чиқар экан. Бу ҳаётий ҳақиқат қаҳрамонимиз тақдирида ҳам ўз исботини топди. Ота-онасининг дуолари, ғамхўрлиги сабабми, унинг ниятлари амалга ошди, орзулари ушалди. Тинимсиз ўқиш, изланиш ўз самарасини берди. Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Бу ўғлон учун энг катта муваффақият эди...

Камолот палласига қадам қўйган бўлажак шифокор учун ўқиш ва изланишлардан иборат янги давр бошланди. У институтда бор кучини билим олишга, устозлари бераётган ҳар бир сабоқни астойдил ўзлаштиришга сарфлади. Чунки у етук, соҳасининг билимдони бўлишни ўз олдига қатъий мақсад қилган эди-да. Вақтида эгалланган билим эса инсонни ана шундай мавқега эриштиради.

Институтни битирган ёш шифокор биринчи иш фаолиятини Тошкент тиббиёт институти клиникасида бошлади. Бу даргоҳда у ўн йил фаолият юритиб, минглаб беморларга шифо улашди, уларнинг соғлиғини тиклаш йўлида астойдил меҳнат қилди. Ёш иқтидорли шифокор ўз меҳнат фаолияти давомида тинмай изланди, ўз устида ишлаб маҳоратини ошириб борди. Ана шундай меҳнатсеварлиги боис 1997 йилдан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика тиббий чақирув эксперт раиси лавозимида фаолият юритди. 2003 йилдан эса Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий поликлиникасида меҳнат қилиб келаяпти. Мана шу ўтган йиллар давомида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Уларнинг касб фидойиси бўлиб етишишларига сабабчи бўлди. Самидулла аканинг шогирдлари ҳозирда устозлари ўтитларига амал қилиб, эл дуосини олишаяпти. Бу тажрибали шифокор учун энг катта мукофот.

– Қилинган меҳнат орқасидан ҳурмат топиш – ҳар бир инсон учун энг катта бахт, – дейди у биз билан суҳбатда Самидудда ака. – Шу боисдан ҳам ҳар доим ёнимга шифо истаб келган беморларга қўлимдан келганича астойдил ёрдам беришга интиламан. Шифо топган инсонларнинг юзида табассум кўрсам хурсанд бўламан. Беморлар соғлиғини тиклаш учун биз – шифокорлар масъулмиз. Бу масъуллик бизнинг зиммамизга катта мажбурият юклайди. Мен доим юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаётган йигитларнинг соғлиғини назорат қилиш орқали мамлакат мудофаа салоҳиятини юксалтиришдек эзгу ишларга ҳисса қўшаётганимдан жуда фахрланаман.

Самидулла Қосимов моҳир жарроҳ бўлиш билан бирга камтарин ва ширинсўз инсон, оилада фарзандларига меҳрибон, куюнчак ота. Айни вақтда оиланинг уч нафар фарзанди ҳам шифокорлик касбини танлашган. Эндиликда улар ҳам эл саломатлиги йўлида хизмат қилишмоқда. Бу ҳам бўлса ота-онанинг бахти.

Умрни эзгулик безайди, дейишади. Савобли, хайрли ишлар кишини қадрли бўлишига хизмат қилади. Аслида беморларга шифо улашиш ҳам эзгу амалларнинг энг хайрлисидир. Бу борада қаҳрамонимизга ҳавас қилса арзийди. Зеро, шоир Саъдий айтгандек,

Бўлсанг яхши ном шул етар,
Сени яхши одам деса эл агар.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

ОИЛА ГУЛШАНИ

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган шу билан бирга, фарзандларнинг Ватанга муносиб инсонлар бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган муқаддас даргоҳдир. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, юртда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, оилалари мустаҳкам бўлган давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Шунинг учун бугунги кунимиз ва эртанги истиқболимиз учун энг муҳим ва долзарб масала – оилага эътиборни кучайтириш, уни ижтимоий ҳимоялаш, эъзозлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда ҳарбий оилаларнинг барқарорлигини таъминлашда ижтимоий омилларнинг таъсири муҳим ҳисобланади. Зеро, ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади. Шу боис, асосий Қомусимизда ҳам жамиятнинг устуни бўлган оила масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Негаки, оила жамиятнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида мавқени эгаллайди. Жамиятда оиланинг тинч-тотувлиги, мустаҳкамлиги адолатли фуқаролик жамият ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Мудофаа вазирлиги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси таркибида фаолият юритаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими асосан, ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини ижтимоий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий савиясини оширишга яқиндан ёрдам бериш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш, оилада тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш, ҳарбий оила бекалари ўртасида касаначиликни йўлга қўйиш каби вазифаларни амалга ошириш борасида қатор ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда.

Фикримиз далили сифатида Мудофаа вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини маънавий-ахлоқий ва маданий жиҳатдан камол топтириш дастурини тасдиқлаш ва амалга ошириш тўғрисида»ги буйруғида белгиланган дастур асосида гарнизон офицерлар уйлари қошида ўқув курслари ва тўгараклар ташкил этилиб, улар ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда фаолият олиб бораётганини келтиришимиз мумкин.

Бўлим томонидан ҳарбий хизматчиларнинг оилаларида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, «Оила – маънавият бешиги», «Оила муқаддас даргоҳ», «Соғлом оила – соғлом келажак», «Аёл ва ҳуқуқ», «Ватанпарварлик – муқаддас бурч», «Мардлар қўриқлайди Ватанни» каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётганининг ўзи оила маънавий камолотида муҳим ўрин тутади.

Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ўртасида миллатимизга хос бўлган миллий қадриятларни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оила аъзолари ўртасида оила маданияти ва одоби, оилада эр-хотинлик муносабатлари, камол топаётган фарзандларнинг тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, ҳар томонлама комил ҳарбий хизматчи оиласини шакллантириш мақсадида «Оила – ишончли маскан» шиори остида доимий равишда «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Халқимизда ўтганларни хотирлаш юксак инсоний фазилат саналади. Зотан, умри давомида ўзгаларга яхшилик соғиниб, ўзидан яхши из қолдириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ватан харитасини юрагига чизиб, унинг тинчлиги, осойишталиги учун жон фидо қилган ҳарбий хизматчилар жасорати қалбларда мангудир. Шу боис ҳам ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг қаҳрамонликларини эътироф этиш, уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиздан саналади. Уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аниқ мақсадли тадбирлар белгиланган. Турли байрам, тантаналар арафасида ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда мазкур оилалар ҳолидан хабар олинмоқда ва уларга моддий-маънавий ёрдамлар кўрсатилиб келинмоқда.

Ватанпарварлик аввало оиладан бошланади. Инсон ўз оиласида тинчи, ҳаловати бўлсагина жамиятда мустаҳкам ўрин топиш учун ҳаракат қилади. Бугун Мудофаа вазирлиги томонидан уй-жой билан таъминланаётган бундайин оилалар фарзандларини ўқиш ва иш билан таъминлаш борасида ҳам режали тадбирлар амалга оширилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Зотан, отаси каби Ватан хизматига камарбаста бўлишни ният қилган ҳарбий хизматчининг фарзанди келажакда албатта юксак ишончни оқлаш учун она Ватанга муносиб фарзанд бўлиш учун билим ва иқтидорини аямайди. Бунинг учун ўзидаги бор имкониятни юзага чиқаради. Бу эса бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Бўлим томонидан ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи – хотин-қизлар қўмиталари раисларининг иш фаолиятини тўғри ташкил этиш, ҳарбий хизматчиларнинг оилаларида миллий ғоя асосида маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик, ҳуқуқий тарбия ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида «Ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинма бошлиқларининг иш фаолиятини такомиллаштириш услубиёти» ўқув-услубий қўлланмаси тайёрланди. Мазкур қўлланма ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи – хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаоллари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ҳарбий оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятини ошириш борасида республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказиш, улар учун турли дори-дармон воситалари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи буклетлар, плакатлар тарқатиш, малакали тиббиёт ходимлари иштирокида саломатлик тадбирлари ўтказиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ҳа, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари фаровонлиги йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар замирида Ватан тинчлиги, юрт ободлиги, эртанги кунимизга муносиб ўғил-қизлар тарбиялашда муҳим таянч бўлиш каби эзгу мақсад мужассамдир.

Феруза ОРИПОВА,
Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи ўринбосари.

В АТМОСФЕРЕ ВЗАИМОПОНИМАНИЯ

Забота о крепкой полноценной семье, охрана материнства и детства – всегда были приоритетными направлениями политики нашего государства. Органы исполнительной власти проводят на местах большую работу, не обделяя своим вниманием и семьи военнослужащих.

На днях, в одной из воинских частей Чирчикского гарнизона, при содействии гарнизонного Дома офицеров состоялась встреча представителей местных органов власти с членами семей военнослужащих и женщинами-военнослужащими. Перед участниками встречи выступили заместитель хокима города Чирчика, председатель комитета женщин Ш. Ирисметова, заведующая отделом по духовности и просветительству Чирчикского хокимията Р. Бекбутаева, заведующая отделом ЗАГС города Чирчика Ф. Набераева и врач городской поликлиники Н. Равшанова.

На встрече, тема которой была обозначена как «Семья и общество», был обсужден круг таких вопросов, как постановления органов государственной власти о семьи и браке, порядок трудоустройства членов семей военнослужащих, работа местных органов власти в области охраны материнства и детства, охрана здоровья женщин и ряд других. Гости подробно ответили на все заданные им вопросы.

В ходе общения в атмосфере полного доверия и взаимопонимания женщины-военнослужащие и члены семей военнослужащих получили много полезной и нужной информации, а представители органов власти напрямую познакомились с их нуждами.

Проведение таких встреч, бесед, вечеров вопросов и ответов в воинских частях с участием представителей местных властей очень продуктивны и имеют большое значение для обеих сторон. Завершая ее, заместитель хокима города выразила пожелание, чтобы подобные мероприятия в воинских частях гарнизона проходили регулярно.

Соб. инф.

ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД МУНОСАБАТИ

Ҳаммамиз ёш бола бўлганмиз. Ҳаётимиз давомида ўша онлар – ота-онамиз бағридаги унут бўлмас воқеалар ва хотираларни тез-тез эслаб турамиз. Маълумки, инсоннинг келажак ҳаётига болалик даври катта таъсир кўрсатади.

Бугун биз қандай ота-онамиз? Болалигимиз қандай оилада ўтди, ота-онамизнинг ўзаро муносабатлари бизларда уларга нисбатан ҳурмат, эҳтиром ёки алам ва нафрат қолдирдими?

Ота-онамизнинг хурсандчилиги, жаҳли чиққан онлари, бизларни мақтаганлари, танбеҳ берганлари, оиладаги ҳар қандай муаммоларини олдимизда ёки пинҳона муҳокама қилиб ҳал этишлари, вақти келганда бизларни тўғри ёки нотўғри жазолаганлари, ака ёки укамиз, опа ёки сингилимизга нисбатан кўпроқ ёки камроқ яхши кўргани унутилмас хотиралар ва таассурот қолдиради, шубҳасиз. Қолаверса бу таассуротлар хоҳлаймизми-йўқми, ота-она бўлганимизда ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Руҳшуносларнинг таъкидлашича, ота-онанинг муносабатлари асосида пайдо бўлган болаликдаги ҳиссиётлар инсон ҳаётида жуда катта моделлаштириш кучига эга экан. Бу таассуротларнинг айримлари бутун ҳаётимиз давомида биз билан қолади. Фарзандларимиз тарбиясида биз тез-тез, «менинг ота-онам жуда қаттиққўл бўлган, шунинг учун мен тартибли ва ҳурматли одам бўлдим» ёки тескариси, «ота-онам менга нисбатан совуққон ва бемеҳр бўлганлиги учун, мен ҳам ўз фарзандларимга шундай муомалада бўламан», деб айтамиз.

Катта ёшдаги одамларда болалик таассуротлари ота-оналик позициясига ўз таъсирини кўрсатишини кузатса бўладими? Фанда бу масалага турли қарашлар мавжуд.

Масалан, психотаҳлилнинг дастлабки ривожланиш даврида инсоннинг бутун умри болаликда бошидан ўтказган таассуротлари билан белгиланади, деган назария мавжуд бўлган. Шунинг учун фарзандлари билан муаммолари бўлган ота-оналарга психологик ёрдам кўрсатишда руҳшунослар аввалambор болаликдаги таассуротларини чуқур таҳлил қилиш, болаликнинг бутун эмоционал таассуротлари мазмунини англаш ишларидан бошлашган. Руҳшунос ота-она ва фарзанд ўртасидаги реал муносабатларини эмас, балки ота-онанинг ички кечинмаларини, ҳиссиётларини ўрганган.

Маълумки, инсонда иккита асосий биологик ҳиссиётлар мавжуд. Бу муҳаббат ва тажовузкорлик инстинктларидир. Инсоннинг бутун умри ушбу иккита инстинктнинг болалик даврида қай даражада ривожланганлигига боғлиқ эканлиги аниқ бўлди.

Албатта, болаликдаги меҳрибонлик, яхшиликка йўғрилган фазилатлар кейинчалик бола ота-она бўлганида ўз таъсирини ўтказади.

Инсоннинг ўз фарзандларига муҳаббати руҳшуносларнинг таъкидлашича, ижтимоий муносабатдир.

Ота-она томонидан фарзандининг дастлабки эҳтиёжлари овқат таъминоти ва ҳимояни қондиришдир. Яъни тўйдириш ва ҳимояни таъминлаш ота-онага қўйиладиган талабнинг минимуми, аслини олганда ота-онанинг ижтимоий мажбуриятидир. Аммо бу етарли ҳисобланмайди.

Жамият ота-онадан маънавий ва ахлоқий мажбуриятларини фарзандларига муҳаббат ила сингдиришни талаб этади.

Бошқача айтганда, ота-оналар фарзандига меҳр ва муҳаббат туйғуларини сингдириб борадилар. Ва ўз навбатида уни ҳам яхши кўришга ўргатадилар. Ўз ота-онасини яхши кўрган фарзанд, албатта атрофдаги одамларга ҳам шундай муносабатда бўлади. Уларнинг қалбида бу туйғуларнинг ривожланиши ота-онага узвий боғлиқ. Агарда бола улғайиши билан унинг эҳтиёжларини, ҳиссий, интеллектуал ва маданий талабларини ота-она қондиришни давом эттира олса, фарзанда ота-онага меҳр-муҳаббат ва ҳурмат ошиб, уларга ўхшаш ёки улардан ҳам зиёда бўлиш туйғулари ўсиб бораверади. Агарда ота-она фақат талаб қилсаю лекин бунга яраша хизмат қилмаган бўлса, боланинг муҳаббати тушкунлик, ғазаб, ҳатто айрим ҳолларда нафратга ҳам айланиши мумкин.

Ҳаётда икки томон бир-бирини ўзаро тушунишлари учун ота-онадан катта куч ва ғайрат, шижоат талаб қилинади. Бунинг учун нафақат ўғил-қизларини яхши кўриши, балки ўз устида ишлаши, санъат, адабиёт, фан соҳасида билимларини такомиллаштириши зарур. Бунинг натижасида фарзандида ҳам илм олишга қизиқиш шаклланади.

Тамара МАМАНОВА тайёрлади.

ҲУҚУҚ

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

31 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир округ сайлов комиссиялари раисларининг миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёти борасидаги билимини янада ошириш, шунингдек, округ сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини тўғри ташкил этиш, сайлов комиссияларини молиялаштириш тартибига қатъий амал қилиш, уларнинг олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинар-кенгашни очар экан, мамлакатимиз парламентига ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов миллий сайлов қонунчилигимиз, унда белгиланган очиқлик, ошкоралик ва холислик тамойилларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепцияга қатъий амал қилинган ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъкидлади.

Тадбир иштирокчиларига ўтган давр мобайнида мазкур Концепция асосида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Семинар-кенгашда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг асосий вазифаси сайловни демократик тамойиллар, амалдаги қонунчилик нормалари ва талаблари асосида адолатли, очиқ ва ошкора ўтказилишини таъминлашдан иборат экани алоҳида қайд этилди. Таъкидландики, улар ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан миллий қонунчилик талабларига қатъий амал қилиниши, барча бўғиндаги сайлов комиссияларининг мустақиллиги ва қонун асосида фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ муҳим масалаларга доимий эътибор қаратишлари лозим.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 126-Темирйўлчилар сайлов округида бўлиб, округ сайлов комиссияси фаолияти билан танишдилар. Округ сайлов комиссияси раиси Т.Жалилов сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапириб берди. Комиссия барча зарур техника воситалари, жумладан, Интернетга уланган компьютерлар, телефон, факс, нусха кўчириш аппаратларига эга. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар тўпламлари, бошқа ҳуқуқий адабиётлар мавжуд. Стендларда сайлов округи ҳудудида жойлашган сайлов участкалари ҳақидаги маълумотлар акс этган.

– Бўлажак сайлов жамиятни янада демократлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади, – дейди семинар қатнашчиси, 12-Шаҳрихон округ сайлов комиссияси раиси А.Тошбоев (Андижон вилояти). – Бўлажак сайловни қонун талаблари асосида очиқ, ошкора ва адолатли ташкил этишда округ сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланган. Ушбу семинар-кенгаш сайловни юқори демократик савияда ўтказиш, округ сайлов комиссиялари фаолиятини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда «Сайлов комиссияларининг давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ долзарб вазифалари», «Сайлов: миллий қонунчилик, халқаро стандартлар ва хорижий тажриба», «Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш шароитида сайлов қонунчилигининг такомиллашуви», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари ишини ташкил этиш», «Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда очиқлик ва ошкоралик тамойиллари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Баҳс-мунозаралар жараёнида округ сайлов комиссиялари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари ўзларини қизиқтирган барча масалалар, жумладан, округ сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, участка сайлов комиссияларини ташкил этиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш, сайловолди ташвиқоти жараёнида тенглик тамойилларига амал қилиш, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш тартиби, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш қоидалари ҳақидаги барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

Сўраган экансиз

АМНИСТИЯ ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИЯТДИР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан мамлакатимизда навбатдаги амнистия тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Айтингчи, ушбу амнистия акти кимларга нисбатан қўлланилади ва кимлар бундан мустасно?

Кичик сержант Нарзулла МАМАТОВ.

Маълумки, асосий қонунимиз – Конституциямизда инсон ҳуқуқлари, унинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият, дея эътироф этилган. Мустақиллигимизнинг биринчи куниданоқ инсоннинг дахлсиз ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқ бўлишлик, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устун бўлиши, Республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришлари учун инсонпарварлик ва одиллик тамойиллари таъминланиши зарурлиги Президентимиз томонидан доимо таъкидлаб келинади.

Юртимизда инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳолда суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ислоҳотлар жараёни изчил давом эттирилмоқда. Янги қабул қилинаётган қонунлар, уларни такомиллаштириш борасида киритиб борилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини назарда тутган ҳолда ҳаётга тадбиқ этиб келинаяпти.

Мустақиллик йилларида «Амнистия тўғрисида» ўндан зиёд Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу жамиятимизда инсонпарварлик ва одиллик тамойилининг устуворлигидан. Жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг гуноҳидан ўтиш, кечириш ўзига хос йўлдан ишонч билан ривожланаётган республикамизнинг миллий хусусиятларига киради. Бу давлатимизнинг бағрикенглик, кечиримлилик, инсонпарварлик каби олий туйғуларга юксак даражада эътибор қаратаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, Конституциямизга асосан Олий Мажлис Сенатининг жорий йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши ана шундай инсонпарварлик тамойилининг устувор ифодасини яна бир бор намоён этади.

Шу ўринда амнистия ўзи қандай тушунча ва унинг қандай ҳуқуқий асослари бор, деган савол туғилади. Амнистия бу грекча сўз бўлиб – «авф этиш, унутиш» маъносини билдиради. Қонунчилигимизга биноан «Амнистия тўғрисида»ги қарорни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қабул қилади. Ўзбекистон Республикасининг судлари эса ушбу ҳужжатни қўллайди.

Мазкур қарор тўғри йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кириб қолганлар учун тегишли хулоса чиқариш, ўз йўлини топиб олишларида яна бир бор берилган имкониятдир. Албатта шуни таъкидлаш жоизки, амнистия актини қўллашда ўзига хос меъёрий талаблар ҳисобга олинади. Бу борада жорий йилда қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорни кўрадиган бўлсак, унда меъёрий талаблар аниқ-равшан кўрсатиб ўтилган. Яъни ушбу қарорнинг биринчи бандида қайси тоифадаги шахслар ҳамда қандай турдаги жиноятларни содир этганлиги учун жавобгарликка тортилаётган фуқаролар жазодан озод этилиши кўрсатилган. Жумладан содир этган жиноятлари учун судланган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар ва чет эл фуқаролари жазодан озод этилиши белгиланган.

Қарорнинг иккинчи бандида эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, учинчи бандида биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда мазкур қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган, деб топилган шахслар жавобгарликдан озод қилинади. Аммо жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахсларга нисбатан ушбу банд қўлланилмайди. Бундай шахсларга нисбатан жиноят ишлари тугатилмайди, уларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш умумий тартибда амалга оширилади.

Қарорнинг тўртинчи бандида озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукм мазкур қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно), жазодан озод қилиниши қайд этилган.

Қарорнинг бешинчи бандида тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилиниши қайд этиб ўтилган.

Бундан ташқари, қарорнинг олтинчи бандида озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, мазкур қарор эълон қилинган кунгача ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар мангил-колонияга ўтказилиши, еттинчи бандида эса қарорнинг биринчи ва иккинчи бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча ишлар тугатилиши белгиланган.

Мазкур қарорнинг саккизинчи бандида амнистия акти таъсири доирасига тушмайдиганлар тоифаси борлиги ҳамда амнистия акти татбиқ этилмайдиган жиноятлар тури ҳам кўрсатиб ўтилган.

Хусусан, узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган, ўта хавфли рецидивист деб топилган, жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга, шунингдек ўлим жазоси авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга, ўта оғир жиноят содир этган шахсларга, таъқиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланган шахсларга, муқаддам амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга амнистия акти татбиқ этилмаслиги кўрсатилган.

Ушбу қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Адлия подполковниги
Бахтиёр МИРМАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг
катта ёрдамчиси.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституция куни

ҲУҚУҚ МАВЗУИДА СУҲБАТ



Сирдарё вилоятида мамлакатимиз Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Асосий Қонунимизда инсон манфаатлари, шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари, хусусий мулкнинг дахлсизлиги аниқ-равшан ифода этилган. Мамлакатимизда давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар замирида ҳам инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассамдир.

Гулистон шаҳридаги Болалар шаҳарчасида Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида шулар хусусида сўз юритилди.

Мазкур шаҳарчада юз нафардан зиёд ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бу ерда болаларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун доимий равишда маданий-маърифий тадбирлар, қизиқарли учрашувлар ўтказиб келинади. Вилоят адлия бошқармаси ходимлари билан ташкил этилган давра суҳбати ҳам болажонларда катта таассурот қолдирди.

Д. ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

МЕНИНГ ЎГАЙ ИНИМ

Биз янги уйга кўчиб ўтдик. Ижара уйлардан кейин кичкина ҳовлиси, бешолти тўп мевали дарахти-ю бир парча гулзори бўлган янги уйимиз кўзимга ўтдек кўринади. Турмуш ўртоғим ҳайдовчи. Юк машинасида олисларга қатнайди. Мен болалар билан уйда ўтираман.

Янги ҳовлига кўчиб келганимизнинг эртаси куни ён қўшнимиз Раҳима хола билан Солиҳ амаки бизни йўқлаб чиқдилар. Бу беозор, хушфеъл инсонларга болаларим бирпасда эл бўлиб кетди. Улар кетишга қўзғалганларида ўғлим Солиҳ амакининг этакларига ёпишди:

– Бобожон, кетмайсиз, кетмайсиз, юбормайман, – дея эркаланди.

Амаки бу эркаликдан яйраб кетдилар. Ғиёсжоннинг жажжи қўлчаларини кафтларига олиб:

– Сен ўзинг бизникига юрақол, бир нарсаларни кўрсатаман, – деб ўғлимга ҳазиломуз кўз қисиб қўйдилар.

Бу таклиф ўғлимга чунон ёқиб тушдики, рухсат ҳам сўраб ўтирмасдан отланди. Эр-хотин менинг хижолатда тараддудланиб турганимни кўриб, ҳовлида Ғиёсжон тенги эгизак набиралари борлигини айтиб, болалар кенг ҳовлида бир-бирлари билан зерикмасдан ўйнайдилар, дея уни етаклаб олдилар. Уларнинг сўзини қайтара олмай ноилож, «яхши боринглар» деб кузатиб қолдим.

Бирпасда қўшнимиз томондан Ғиёсжоннинг қувончли қийқириқлари эшитила бошлади. Ҳар гал унинг овозини эшитганим сари ўнғайсиз ҳолга тушардим. Бу тўполонга қўшниларим қанақа чидаб турган эканлар-а? Ўғлимни қандай қилиб чақириб олсам экан, деб ўйлай бошладим. Ниҳоят таассуротлари бир олам бўлиб, қўшниларникидан ўзи чиқиб қолди.

– Аяжон, бобомнинг катта хўрозлари бор экан, – дея ҳовлига кирар-кирмас ҳаяжон билан гапира бошлади Ғиёсжон. – Урушқоқ хўрозлар экан. Ҳозир санаб бераман. Бир, уч, саккиз...

Ўғлимнинг саноғи шу рақамлар билан тугади. Аммо саноқни охирига етказиб қўйиш учун бармоқларининг ҳаммасини кўрсатганча «мана шунча», – деди оғзини тўлдириб.

Ғиёсжоннинг урушқоқ хўрозлар билан боғлиқ таассуротлари мени ўйлантириб қўйди. Тўғрироғи, улар ҳаётимнинг айрим лаҳзаларини, эт ва тирноқ сўзларининг туб маъносини теранроқ англаган лаҳзаларимни ёдга солди.

... Онамни эслай олмайман. Тўрт ёшларимда касалликдан вафот этган эканлар. Мендан икки ёш кичик сингилим ҳам бор. Бизга аммаларим навбати билан қараб туришар эди. Кейин улар ҳам турмушга узатилдилар. Бизга дадам қарай бошладилар. Эндиликда унча-мунча нарсага ақлим етиб ўйлаб кўрсам, ўша пайтлари худди биз каби дадам ҳам қаровга, меҳрга муҳтож бўлган эканлар. Кейин дадам уйландилар. Мен уйимизда тўй бўлишидан жуда қувондим. Чиройли келинни кўриб чиққан аммам панароққа ўтиб пиқ-пиқ йиғлаганларини эслайман. Болалигимга бориб ўйлабманки, келинчак аммамга совға бермаган, шунга хафа бўлиб йиғлаяпти...

Келинчак бизнинг ўгай онамиз эканлигини қўшни болалардан эшитганман. Ўгай сўзининг маънисига ҳам тушунмаган, болаларга алам қилганидан шунақа гапларни гапиришяпти, деб ўйладим ва буни келинчакка айтиш учун уйга югурганимда, дадам олдиларига чақириб тиззаларига олиб ўтириб бирпас эркаладилар-да, шундай дедилар:

– Келинчакни янга деб эмас, «аяжон» деб чақиргин, шунда у сизларни янаям яхши кўради...

Мен ҳам, синглим ҳам аёл меҳрига ташна эдик, бизни яхши кўришларини, суюб-эркалашларини истар эдик...

Аяжоним ўшанда йигирма ёшда бўлган эканлар. Орадан йиллар ўтди. Яна иккита сингилчали бўлдик, ниҳоят узоқ кутилган ўғил бола ҳам туғилди. Биз беш опа-ука бўлдик. Мени дадамнинг узоқ қариндошларини ўғлига узатишди. Турмуш ўртоғим оилада тўнғич ўғил бўлганлиги сабабли кўп ўтмай бизни алоҳида уйга кўчириб чиқариб қўйдилар. Биринчи фарзандимиз дунёга келди. Ҳаёт ҳар доим ҳам бир текисда кетмас экан. Орадан икки-уч йилга яқин вақт ўтиб, кутилмаганда турмуш ўртоғимнинг ишлари орқага кета бошлади. Бу ҳам етмагандек касалланиб ётиб қолди. Бу нафақат бизнинг ёш оиламизга, балки катта ҳовлидагиларга ҳам таъсир қилди. Чунки тўнғич ўғил сифатида катта ҳовлидагиларга ҳам ёрдами тегиб турар эди.

Мен қанчалик сабрли бўлишга уринсам ҳам уддасидан чиқа олмас эдим. Касал эримнинг олдида баъзан кўзимга ихтиёрсиз ёш қуйилиб келарди. У касал эканлигини бошқаларга билдиргиси келмас, ёрдамга муҳтож бўлиб қолганимизни биров билишини истамасди. Барибир касалхонада ётиб даволанишига тўғри келди. Қизим билан отасини кўргани касалхонага келдик. Қизчасини бироз ўйнатиб турдида, мени кўнгли кўтарилсин деган ўйда бўлса керак, шундай деди:

– Мен ҳам тузалиб қолдим, бир-икки кун аянгни олдиларида бўлиб турсанглар ҳам бўлади, уйда ҳам ёлғиз зерикиб қоласизлар.

Аслида ўзим ҳам шунга рухсат сўрамоқчи бўлиб тургандим. Аяжоним бизни айланиб-ўргилиб кутиб олдилар. Бироз енгил тортдим. Ўйнаб-кулиб икки кун ҳам ўтди. Ичимдаги ғашлик тарқамасди. Кимгадир ёрилгим келарди. Қўлимда зўрға йўлкирага етадиган пул қолган. Уйнинг ижара ҳақини тўлаб қўйганман, деб эримга ҳам ёлғон гапирдим. Касал ҳолида бунақа ташвишларни ҳам ўйлаб сиқилмасин дейман. Уйда озиқ-овқатимиз ҳам тугаган. Катта ҳовлидагилардан ёрдам сўрашга истиҳола қиламан...

Аяжоним сезгир аёл эмасми, дадам ишга кетганларидан кейин ўзлари гап бошлаб қолдилар.

– Икки кундан бери кўзингга терминаман, озиб-тўзиб қолгансан, – дедилар. – Нимадан қийналиб турибсан, гапир, айт менга, сени бу аҳволда уйингга юбора олмайман...

Йиғлаб юбордим. Ўзимни босиб олгач, қийналаётганимизни айтишга мажбур бўлдим.

– Шунга шунчалик эзилиб юрибсанми, – дедилар аяжоним. – Манави пулни сенга атаб олиб қўйгандим. Буни бир-икки кун даданг билмай турганлари маъқул. Ўзим ётиғи билан тушунтираман. Бирор ҳафта ичида ҳеч нарса бўлмагандек сени кўргани борамиз. Нарсаларингни йиғиштир, уйингга кузатиб қўяман.

Она-бола етаклашиб, тўрхалталар билан бекатга келдик. Машина кутиб уёқ-буёқдан гаплашиб турсак, чаккаларидан реза-реза тер қуйилиб кенжатой укам Илҳом ҳарсиллаб югуриб келди. Кела солиб қўлидаги каттакон сумкасини менга тутқазди.

– Хайрият, кетиб қолмабсиз, – деди нафаси тиқилиб. – Урушқоқ хўрозимни сотиб, сизларга ёғ билан печенье олдим, Барноча билан уйга борганда ейсизлар...

Робби Уильямс отметил свое возвращение на эстраду выступлением на одном из концертов серии BBC Electric Proms, состоявшемся в Лондоне. Концерт транслировали одновременно в 250 кинотеатров в 23 странах мира, что является мировым рекордом.

Хагендра Тапа Магар, самый маленький человек на Земле, отметил свое 18-летие.

Рост Хагендра Тапа составляет всего 60 см, а вес 4,6 кг. Он ниже на 13 см настоящего обладателя рекорда китайца Хе Пингпинга, рост которого 73 см.

ДУНЁ НАФАСИ

ИНСОНИЯТГА «НОМАЪЛУМ» ШАҲАР

Буюк Британия фуқароси «Google Maps» Интернет сервиси орқали инсониятга «маълум бўлмаган» шаҳарни аниқлашга муваффақ бўлган. Бу ҳақда «The Daily Telegraph» газетаси хабар тарқатган.

Шаҳар Англиянинг Ланкашир графлиги шимоли-ғарбида жойлашганини журналистларга Ормскерк шаҳарчасида жойлашган университет ходими Рой Бейфилд маълум қилади.

Маълум бўлишича, ҳамкасбларидан бири харитада Бейфилдга нотаниш жойни кўрсатгандан кейин у қизиқиб қолган ва мазкур нуқта бўйлаб шаҳарни излаган. «Мавжуд бўлмаган жойнинг бирданига пайдо бўлганини интернет орқали аниқлашдан ҳайратландим», дея бунга ўзи изоҳ берган.

Интернет харитасида янги топилган шаҳарчадаги бир қанча уйни, ҳатто ижарага уй-жой бериш, иш билан таъминлаш каби эълонларни ҳам кўриш мумкин.

«Google Maps» мутахассислари бу «ғаройиб» воқеани Нидерландиянинг «Tele Atlas» компанияси харита тузганда шунчаки йўл қўйган хатоси бўлиши керак, дея изоҳлашмоқда.

МОСЛАМА ҲАЙДОВЧИ КАЙФИЯТИНИ АНИҚЛАЙДИ

Массачусетс технологиялар институти олимлари «Volkswagen» концерни лабораторияси билан ҳамкорликда автомобилнинг приборлар панелида жойлашадиган ва ҳайдовчига автомобиль бошқаруви қийин бўлган вазиятларда турлича ёрдам кўрсатадиган роботни яратишди.

«AIDA – Affective Intelligent Driving Agent» дея номланувчи мазкур мослама нафақат шаҳарни яхши билиши, балки ҳайдовчига яхши маслаҳатчи, дўст бўлиши, унинг хатоларини тўғрилаши орқали ҳам эътиборга лойиқ.

Мослама дастлаб хўжайинининг ҳаракат йўналишини аниқлайди. Яъни уйи, ишхонаси қаерда жойлашгани, қайси дўкондан кўпроқ харид қилиши ёки дам оладиган жойини ўрганади. Орадан бир ҳафта ўтиб эса мослама зарур йўналишга қайси йўл билан бориш мақсадга мувофиқлигини, дейлик кўча ҳаракатидаги тиғизликни ёки турли экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишни тавсия қилади. Қизиғи, «AIDA» ҳайдовчининг юзида акс этган ҳолатдан келиб чиқиб, кайфиятини ҳам аниқлаши мумкин.

СУНЪИЙ ТЎҚИМА – ЭЛЕКТР МАНБАИ



«Advanced Materials» журналида яратилган айрим сунъий тўқималарнинг электр импульслари ҳосил қилиши, бу эса кичик батареяларда қўлланилиши мумкинлиги борасида мақола чоп этилган.

Дэвид Лавэн ва ҳамкасблари томонидан яратилган сунъий тўқималар таркибида калий ва хлор ионлари бўлган липид пардаси билан ўралган.

Қизиғи липид молекулаларининг бир чеккаси сув молекуласига интилса, иккинчиси қочади. Иккита шундай тўқима бир-бирига текканда, липидларнинг гидрофоб чети бир-бирига таъсир қилади. Натижада икки қатламли тўсиқ ҳосил бўлиб, пировардида ҳақиқий мембрана тўқималаридагидек ҳолат юзага келади. Шу тариқа ёки ижобий, ёки салбий ионлар тўсиқни баратараф этиши жараёнида электр қуввати ҳосил бўлади.

A/H1N1 ГРИППИДАН УЧ КУНДА ДАВОЛАНАДИ



Хитойда анъанавий тиббиёт усули ёрдамида A/H1N1 гриппига чалинганларни уч кунда даволай оладиган препарат ишлаб чиқилди. Бу ҳақда «China Daily» газетаси хабар тарқатган. «Айрим болаларга препаратнинг бир ёки икки дозасини қабул қилишнинг ўзи кифоя қилади», дея ёзилган нашрда.

«Шамоллашга қарши №2» номини олган препарат Пекин дорихоналарида олти юанга (бир доллардан кам) сотилмоқда.

Бироқ Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти янги дори ҳақида тўлақонли маълумотга эга эмаслиги сабаб унинг қай даражада самара беришини хулосалаганича йўқ.

Маълумот учун айтиш лозимки, Хитой дунёда биринчи бўлиб янги гриппга қарши вакцина синовини жорий йил 21 сентябрида якунига етказди ва аҳолини эмлашни бошлади. Ҳатто вакцина йилига 360 миллион дозагача ишлаб чиқарилиши маълум қилинган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

Йўловчилар яхшироқ қуролланган экан

Сомалида пассажир самолётини ўғирлашга бўлган уриниш барбод этилди, деб хабар берди Sapa агентлиги, Сомали миллий авиайўналишлари компанияси вакилининг маълумотига таянган ҳолда. Daallo Airlines компаниясининг маркетинг бўйича менежери Аҳмад Ёранинг сўзларига кўра, икки террорчи Босасо – Жибути рейси бўйича учаётган самолётни қўлга олиш мақсадида қурол чиқаришган. Бироқ кейинчалик маълум бўлишича, улардан ҳам яхшироқ қуролланган 30 нафар самолёт йўловчилари бунга қарши чиқишган, деб таъкидлайди ИТАР–ТАСС. Самолёт Босасога қайтган ва у қўнганидан сўнг йўловчилар томонидан қўлга олинган жиноятчилар полиция вакилларига топширилган.

Қора денгизда кемалар тўқнашиб кетди

Россиянинг «Николай Псомиади» кемаси ва Камбожа байроғи остида бораётган «Долиан» кемаси Қора денгизнинг Болгария соҳилларидан узоқ бўлмаган акваториясидаги нейтрал сувлар ҳудудида тўқнашиб кетди. Варна шаҳридаги Денгиз қутқарув-координация маркази маълумотига кўра, тўқнашув мамлакатнинг 12 миляълик ҳудудий зонаси ташқарисида, денгиз тўлқинланиши даражаси 4,5 балл атрофида бўлган шторм шароитларида содир бўлган, деб хабар беради ИТАР–ТАСС.

Ироқ бош вазири Сурияни айблади

Ироқ бош вазири Нури ал-Маликий БМТдан «қўшни давлатларнинг Ироқ ички ишларига аралашувига чек қўйиш»ни талаб қилди. БМТ Бош котибининг махсус вакилини қабул қилган Ироқ ҳукумати раҳбари «қон тўкилишини тўхтатиш вақти келганлиги» ҳақида баёнот берди ва халқаро ҳамжамиятни «19 август ва 25 октябрда Бағдодда содир этилган террорчилик актларининг мустақил текширувини ўтказиш»га чақирди. Маълумки, ушбу террорчилик актлари оқибатида 253 киши қурбон бўлган эди. Ал-Маликий БМТ вакилига Бағдод марказида содир этилган портлашларни амалга оширишда айбдор деб қўлга олинган уч жиноятчи «Суриядан кўрсатмалар бериб турилганини тан олди», деб хабар қилди. Бундан ташқари, махсус вакилга «қўшни давлатларнинг бузғунчилик фаолияти ҳақидаги барча ҳужжатли далиллари ҳам топширилади», деб хабар берди Ироқ ҳукумати расмий вакили Али ад-Даббоғ.

Opel акциялари борасидаги келишув тайёр

Америкaнинг General Motors автомобилсозлик корпорацияси бошқарувчилар кенгаши Opel компаниясининг 55 % акцияларини Канада-Австриянинг бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи Magna ва Россия «Сбербанки»дан ташкил топган консорциумга сотиш ҳақидаги якуний қарорни шу кунлар ичида қабул қилишни мўлжаллаган. Deutsche Welle хабар беришича, аввалроқ бу борадаги қарорни қабул қилиш бир неча бор пайсалга солингани сабабли General Motors умуман Opelни сотишдан воз кечса керак, деган гап-сўзлар пайдо бўлган эди. General Motors корпорацияси Европа бўлинмаси раҳбари Карл-Петер Форстернинг таъкидлашича, бундай вазият юзага келмайди, чунки инвесторлар билан бу борадаги келишув имзолашга тахт қилиб қўйилган.

Кўприк остидан қандай ўтади?

Финляндияда дунёда тенги бўлмаган Oasis of the Seas («Денгиз оазиси») деб номланган улкан круиз (саёҳат) кемаси фойдаланишга топширилди. Ҳозирда ушбу кема Данияниинг Фунен ва Зеландия ороллариии бирлаштирувчи Катта Бельт кўприги томон йўл олган. Аммо кеманинг улкан ўлчамлари унинг мазкур кўприк остидан муваффақиятли ўтиб кетишига тўсқинлик қилиши аниқ. Чунки кема мосламалари кўприк сатҳидан 7 метр баланд, ҳатто унинг телескопик «устун»лари туширилганда ҳам фақат 6,15 метр қисқартиришга эришилади. Ҳозирда мутахассислар қолган 85 см.ни қандай «енгиб ўтиш» мумкинлиги ҳақида бош қотиришмоқда.

Ходимларнинг бармоқ излари олинади

Грециянинг шахсий ахборотни ҳимоя қилиш хизмати (ДРА) Интернетдаги маълумотларни шифрлаш билан шуғулланувчи компанияга махфий маълумотлар билан ишловчи ходимларнинг бармоқ изларини олишга рухсат берди, деб хабар қилади «Новости» ахборот агентлиги, Афина янгиликлар агентлиги маълумотига таянган ҳолда. ДРА қарорига мувофиқ, дактилоскопия компания ходимларининг хусусий ахбороти сақланишига жиддий хавф туғдирмайди. Бундан ташқари, ДРА бармоқлар изини олиш ҳужжатлардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашнинг энг ишончли усулларидан бири эканлигини ҳам эътиборга олган.

(www.NEWS.ru.com).

МЕРОС

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган 35-сессиясида Ўзбекистон Республикаси кўпчилик овоз билан 2009–2013 йилларга ушбу халқаро ташкилот Ижроия кенгашининг аъзоси этиб сайланди.

31 аъзо мамлакатнинг номзоди қўйилган сайлов жараёни якунида Ўзбекистон билан бирга Словакия, Руминия, Польша, Латвия ва Беларусь мазкур нуфузли кенгаш сафидан жой олди. Улар Ижроия кенгашдаги 27 давлат ёнига қўшилади.

ЮНЕСКО Ижроия кенгаши ташкилотнинг асосий ижро органларидан бири бўлиб, Бош конференцияда қабул қилинадиган дастурларнинг ижросига оид масалаларни кўриб чиқади. Ўзбекистоннинг унга аъзо этиб сайланиши мамлакатимизнинг илм-фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ютуқлари, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда илмий меросимиз, миллий-маданий қадриятларимизнинг яна бир жаҳоншумул эътирофидир. Айни пайтда ушбу кенгашга аъзолик Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОда ва умуман дунёдаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон цивилизация бешикларидан биридир. Мовароуннаҳр ҳудуди йирик илмий кашфиётлар, ёзма ва оғзаки ижодда шоҳ асарлар яратган шоиру ёзувчилар, олиму фузалоларнинг, донгдор саркарда ва боҳодирларнинг ватанидир. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзнинг қадимий обидалари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиб, халқаро муҳофазага олинган. Бойсун фольклори ва «Шашмақом» инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари деб эълон қилинди. Ҳастимомда сақланаётган Усмон Қуръони ва Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тўпланган нодир қўлёзмалар «Жаҳон хотираси» рўйхатига киритилди.

Ўзбекистоннинг Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсатида, халқимизнинг бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва кундалик турмушида ҳам авлодларнинг аждодлар руҳи ва хотирасига юксак ҳурмати мужассамдир. Юксак умуминсоний қадриятларни ривожлантириш ва тарғиб этиш, илмий ва маданий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва ўрганиш, миллатлараро ва динлараро дўстлик ва тотувликни таъминлаш, шу билан бирга, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш каби гуманитар соҳаларда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги улкан хизматлари учун мамлакатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг икки олий нишони – Абу Али ибн Сино номидаги ҳамда «Боробудур» олтин медаллари билан тақдирланган.

Ўзбекистонда ташкил қилинадиган аксарият йирик юбилей тадбирлари ва халқаро илмий-маданий анжуманларни ЮНЕСКО иштирокида ўтказиш яхши анъанага айлангани ҳам халқимизнинг бунёдкорлигига, аждодларимизнинг буюк истеъдод ва маҳоратига, бой меросига билдирилган ҳурмат-эҳтиром ифодасидир. Имом Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари аллома ва давлат арбоблари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон каби шаҳарлар, «Алпомиш», «Авесто»дек ёзма ва оғзаки қадриятларнинг юбилейлари ва бошқа кўплаб илмий-амалий тадбирлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

Куни кеча Абу-Дабида ЮНЕСКО номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитасининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда халқимиз довруғини янада кенгайтиришга хизмат қиладиган муҳим воқеа рўй берди – Фарғона водийси аҳлининг «Катта ашула» деган умумий ном билан аталувчи дилкушо қўшиқлари ва қадимий Наврўз байрамимизни ЮНЕСКОнинг Репрезентатив номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

193 мамлакатдан тўрт юздан зиёд вакил қатнашган сессияда дунёдаги турли халқлар маданиятига мансуб 111 қадрият кўриб чиқилди ва 76 таси фахрий рўйхатдан жой олди.

Катта ашула – ўз номи билан катта ашула. Қўшиқчиликнинг бу анъанавий туридан шарқона шеъриятнинг гўзал оҳанглари уфуриб туради, унда тақлид, аския, театрлаштирилган томоша белгиларини ҳам кўриш мумкин. Ўзига хос бир жиҳати шундаки, бу қўшиқларни ижро этишда мусиқий асбоблардан фойдаланилмайди, хонандалар овоз баландлиги ва йўналишини ликопчалар ёрдамида бошқаради.

Наврўз нафақат янги айём, балки бутун бир янги палла – уйғониш даврини англатади. Қадимда халқимиз деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчиликка оид муайян мавсумий ишларнинг кетма-кетлиги, узвийлиги, табиат ўзгаришлари билан уйғунлигини таъминлаш мақсадида йилнинг ҳар бир фасли, ойи ва баъзида ҳатто кунини алоҳида ном билан атаган. Йилни даврга бўлиш ҳунарманд ва косиблар, қурувчилар, умуман, кўп соҳалар эгалари учун ҳам фойдали бўлган.

Катта ашула ва Наврўз умумбашарий мерос мақомини олгани Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори, аждодларимиз меросининг халқаро шон-шуҳрати ошиб бораётганидан яна бир далолатдир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Кўҳна тарих шодасида

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ШАҲАР



Яқиндагина мустақиллигининг 18 йиллигини кенг нишонлаган жонажон Ватанимизнинг беқиёс тарихий ва археологик обидаларга бойлиги бутун дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Термиз ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларимизда қўли гул меъморларимиз томонидан яратилган ажойиб ва ноёб архитектура ёдгорликлари кўп замонлардан буён кишиларни лол қолдириб келмоқда.

Айниқса, мустақиллик йилларида бу ёдгорлик ва обидаларга қаратилган алоҳида эътибор натижасида уларнинг кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшилди.

Бироқ шундай обидалар ҳам борки, улар минглаб йиллар давомида ўз сир-асрорларини «яшириб» келмоқда. Қадимги дунё тарихи ва маданиятини ёритиб берувчи, ўша даврларда яратилган батафсил ёзма маълумотларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Археологик ёдгорлик ва обидалар ана шу бўшлиқни тўлдиришда катта ёрдам кўрсатиши шубҳасиз.

Республикамиз жанубида жойлашган йирик қадимий шаҳар – Далварзинтепа ана шундай муҳим археологик ёдгорликлардан бири ҳисобланади. Далварзинтепа – қадимий шаҳар харобаси бўлиб, Сурхондарёнинг Шўрчи тумани маркази – Шўрчи шаҳридан 10 км шимоли-шарқда жойлашган. Майсалар билан қопланган бу тепаликлар 47 гектар майдонни эгаллаган. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган бу шаҳар Буюк Ипак йўлида жойлашган, бир вақтлар йирик империянинг пойтахти бўлган ва шу боисдан ҳам ўзида қадимий меъморчилик, кулолчилик, заргарлик, ҳайкалтарошлик каби санъат дурдоналарини қамраб олган. Далварзинтепа 2 қисмдан, яъни қудратли мудофаа девори (қалинлиги 10 метргача) билан ўралган шоҳ саройи қалъаси ва шаҳарнинг ўзидан иборат бўлган. Бу мудофаа деворларининг узунлиги 2,5 км бўлиб, муайян нуқталарида миноралар кўкка бўй чўзиб турган, ташқи томонидан эса тўсиқ сифатида эни тахминан 20 метр келадиган ҳандақ қазилган ва у ўз навбатида сув билан тўлдириб қўйилган. Шаҳар ҳам мудофаанинг истеҳкомли тизимига эга бўлиб, бу ерда аслзодалар, ҳунармандлар, кулоллар, савдогарлар ва диндорлар истиқомат қилишган. Оддий халқ эса шаҳар ташқарисидаги кулбаларда ҳаёт кечирган. Уларнинг шаҳар атрофидаги кичик тепаликлар ўрнида тикланган томорқалари ҳудудида ҳозирда ҳам кўплаб идиш-товоқ синиқлари ва қадимий буюмлар учраб туради.

Ўзбекистон санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг санъатшунослик экспедицияси Далварзинтепада 1962 йили дастлабки текширув ва 1967 йилдан буён мунтазам археологик қидирув ишларини олиб боради. Душанбе шаҳрида «Кушонлар даврида Марказий Осиё» мавзуида 1968 йилда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда мазкур экспедиция топилмалари (ҳайкаллар, кулолчилик буюмлари, мудофаа иншоотларини ўрганиш натижалари ва ҳ.к) асосида Кушон подшолигининг дастлабки пойтахти Далварзинтепа ўрнида бўлган, деган фараз олдинга сурилган эди. Кушон подшоларидан Канишка даврида Далварзинтепа шаҳар сифатида шаклланган. Шаҳар ҳудудида уни бир қанча маҳаллаларга ажратган шоҳкўчалар ва торкўчалар бўлган. Кенглиги 12 м.га яқин шоҳкўчалардан бири бадавлат фуқароларнинг уйларига бориб тақалади. 1972 йилда экспедиция шу уйларнинг биридан вазни салкам 36 кг бўлган олтин безаклар ва ёмбилардан иборат ноёб хазинани ва фил суягидан ишланган, дунёда энг қадимий бўлган шахмат доналарини топди. Бу икки топилма Ўзбекистоннинг антик давр маданияти тарихида салмоқли ўрин эгаллайди.

Бадавлат фуқароларнинг маҳалласидан ташқари шаҳарда, аркка яқин ерда ҳунарманд ва кулолларнинг уйлари жойлашган. Шу ерда кўп хонали уй, кулолчилик буюмларини қуритиш майдончаси ва 11 хумдон очилган. Далварзинтепанинг шимоли-ғарбий қисмидан Кушон маъбудаларидан бирига бағишланган ибодатхона топилган. Шаҳар деворн ташқарисида эса Будда ибодатхонаси ва аслзодалар дафн этилган дахма топилди.

1983 йилда шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган кўп хонали Будда ибодатхонаси ва уни безаб турган ҳажми 0,5 метрдан 3 метргача бўлган 30 дан ортиқ ҳайкалларнинг топилиши Далварзинтепанинг шуҳратини янада ошириб юборди. Бу ердан топилган шунга ўхшаш кўплаб топилмалар кўп йиллардан буён турли хорижий кўргазмаларда ҳам муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Ўрта Осиёнинг қадимий маданий ўчоқларидан бири бўлган, икки минг йиллар аввал Шимолий Бақтрия деб номланган, ҳозирда эса Сурхондарё вилоятини ўз ичига олган ҳудудда аждодларимиз томонидан ноёб маданият ва санъат обидалари яратилганлиги Далварзинтепа мисолида ҳам яққол намоён бўлиб турибди.

Бу ноёб топилмалар нафақат Марказий Осиё антик маданияти тарихини, балки шу ерларга туташ бўлган қўшни давлатлар – Ҳиндистон, Покистон Афғонистон, Эрон, Хитой антик маданияти тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

ИМТИЁЗ

Қарор ва ижро

РЕЗЕРВГА БЎШАТИЛГАНЛАРГА ЭЪТИБОР

Юртимиз мустақилликка эришгач, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бу борада кучли демографик сиёсат юритиш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланди. «Барча ислоҳотлар инсон учун!» деган эзгу ғоямиз замирида ҳам ана шу маънони уқамиз. Кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида дадил одимлаётган мамлакатимизда юқоридаги вазифалар ижросини аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш, фуқароларни ижтимоий ҳимояга олиш мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаш, юртимизда фаолият юритаётган ташкилот, корхона ва хусусий фирмалар билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш орқали улар қошида доимий бўш иш ўринларини яратиш, тегишли мутахассисликка эга бўлмаганларни касбга тайёрлаш ёки танлаган соҳалари бўйича ўқув марказларида бепул ўқитиш, муайян иш ўрнига эга бўлгунларига қадар уларга ишсизлик нафақасини тўлаб бориш ана шу ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Таъкидлаш жоизки, Қуролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган йигитлар ҳам давлатимизнинг бу борадаги юксак эътибор ва ғамхўрлигидан самарали фойдаланиб келмоқдалар. Зиммасидаги конституциявий бурчини адо этиб қайтган ўғлонлар ишга жойлашиш, касбга тайёрлаш ёки ўқув марказларида тегишли мутахассисликлар бўйича таҳсил олиш борасида алоҳида имтиёзларга эгалар. Қувонарлиси, ҳаёт мактабининг сабоғини олган шунқорларга иш берувчиларнинг ишончи, эҳтиёжи юқори даражада. Ёшлар ҳам яратилган бундайин имтиёзлардан унумли фойдаланиб, оила даромадининг кўпайишига муносиб улуш қўшишмоқда.

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан берилган маълумотда қайд этилишича, октябрь ойига келиб, жорий йилда резервга бўшатилган жами 1235 фуқародан 1198 нафарининг бандлиги (97%) таъминланган. Шулардан, 204 нафари давлат муассаса ва ташкилотларига, 268 нафари ишлаб чиқариш корхоналарига, 209 нафари хусусий сектор ҳисобланмиш тадбиркорлик, кичик бизнес субъектлари ҳамда қўшма корхоналарга ишга жойлашган. Шунингдек, 231 нафар йигит якка тартибдаги тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғулланаётган бўлса, 17 нафар фуқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишга кириш учун ҳужжат топширишган. Бундан ташқари, муддатли ҳарбий хизмат давомида имтиёзга эга бўлиб қайтган ўғлонлардан 211 нафари танлаган соҳалари бўйича олий ўқув юртига ўқишга киришга муваффақ бўлган. Эътиборлиси, 691 нафар фуқаронинг иш билан таъминланиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши бевосита туманлардаги Бандликка кўмаклашувчи марказлар ёрдами орқали амалга ошган.

Пойтахт туманлари миқёсида резервга бўшатилган ёшларнинг бандлигини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада Собир Раҳимов (98,3%), Чилонзор (98,1%) ва Юнусобод (98,0%) туманларининг Бандликка кўмаклашувчи марказлари етакчи эканлиги кўзга ташланади. Бироқ бу бошқа туманларда аҳвол ўлда-жўлда, деган маънони англатмайди. Аксинча, ҳатто энг кичик кўрсаткичга эга Бектемир туманида ҳам йигитлик мактабини ўтаган эрларнинг иш билан таъминланиши ва муайян фаолият тури билан бандлиги 93,9 фоизга бажарилгани соҳада ишлар бир маромда кетаётганлигидан.

Шуниси аҳамиятга моликки, бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, кўплаб давлатлар аҳолиси ишсизлар сафини «кенгайтираётган», ҳатто иқтисодий жиҳатдан анча қудратли ҳисобланган машҳур компаниялар ҳам иш ўринларини қисқартираётган, турли минтақаларда ишсизликка, маҳаллий ҳукуматнинг демографик сиёсатига қарши оммавий намойишлар, тартибсизликлар кузатилаётган бир вақтда мамлакатимизда аҳоли эҳтиёжлари даражасида бўш иш ўринлари яратилаётгани, фуқароларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар берилаётгани кўнглимизда шукроналик ҳиссини уйғотади.

Президент Ислом Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига, давлат ва фуқаролар даромадларига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш, иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, кутилмаган муаммолардан «эмланиш» чораларидан бири сифатида аҳоли бандлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги масала сифатида келтириб ўтилган. **«2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш — устувор вазифа бўлиб қолади.**

Бизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қандай катта аҳамият берилаётганини яна бир бор такрорлашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Фақат эътиборингизни шунга қаратмоқчиманки, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради.

2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда».

– Республикамизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган, – дейди Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Суҳбат Аҳмедов. – Президентимизнинг 2007 йилдаги қарорига асосан туманларда эскича қолипда фаолият юритувчи меҳнат бўлимларига туман Бандликка кўмаклашувчи маркази, дея ном берилди. Бу эса соҳа ходимлари зиммасига илгаригига нисбатан кўпроқ, кенг қамровли вазифаларни юклади ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг янгиланишига олиб келди. Бугунга келиб жойларда фаолият кўрсатаётган Бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятидан барча мамнун, десам хато бўлмайди. Зеро, улар аҳолининг иш билан бандлигини ўрганиш ва тегишли чоралар кўришда салмоқли ишларни амалга ошириб келишмоқда. Буни натижалар ҳам тасдиқлаб турибди.

– Ёшларнинг, хусусан, армиядан қайтганларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Сирғали туман Бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбари Холида Низамова. – Бизга иш сўраб мурожаат қилган йигитларни ўз мутахассисликлари бўйича доимий ишга жойлаштириш, вақтинчалик иш билан таъминлаш мақсадида туманимизда фаолият кўрсатаётган давлат корхоналари, хусусий фирма ва ташкилотлар, кичик корхоналар билан ўзаро келушувимиз бор. Муайян иш билан таъминланмаганлар эса Бандликка кўмаклашувчи марказ орқали қайта касбга тайёрлаш курсларида бепул таҳсил оладилар ва ҳунар эгаси бўлишгач, иш билан таъминланадилар.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ёшларимизга қаратилаётган юксак эътибор, яратилаётган имкониятларни кузатиб қувонасан, киши. Жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган аскарларнинг кейинги тақдири билан қизиқиш, уларни бўш иш ўринларига жойлаштириш ёки муайян касбга тайёрлаш, уларнинг орзу-ўйлари, режалари билан қизиқиш, иқтидорига муносиб баҳо бериш ва уларни мамлакат равнақига хизмат қиладиган муҳим соҳаларга йўналтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар шулар сирасидан. Бу орқали ёшларнинг турли ёт ғоялар, оқимлар, ахборот хуружлари таъсирига тушиб қолишлари, вақтларини беҳуда ўтказишларининг олди олиниши билан бирга уларнинг қалбида ота-онасига ёрдамчи бўлиш, Ватанга манфаат келтирадиган инсон бўлиб етишишга ҳавас, ўз кучига бўлган ишонч шакллантирилмоқда.

– Армиядан қайтгач, туманимиздаги Бандликка кўмаклашувчи марказга иш сўраб мурожаат қилдим, – дейди мирободлик Азиз Солиҳов. – Аниқ мутахассисликка эга бўлмаганим учун мени қайта касбга тайёрловчи ўқув курсларига юборишди. У ерда мен авточилангарлик ҳунарини ўргандим. Ўқишдан қайтганимдан сўнг МЧЖ «Султон Ғаффор» фирмасига қарашли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасига ишга олишди. Бунда ҳам марказнинг ёрдами катта бўлди.

– Армияда алоқачи вазифасида хизмат қилганман, – дейди пойтахтнинг Сирғали туманида истиқомат қилувчи Бахтиёр Жалолов. – Муддатли ҳарбий хизмат давомида соҳага оид билимларни мукаммал ўрганишга ҳаракат қилдим. Бу борада менга устоз офицерлар ва сержантлар яқин кўмакчи бўлишди. Сабоқларни яхши ўзлаштирганим, соҳа бўйича муайян тажрибага эга бўлганим туфайли туман алоқа бўлимига ишга киришга муваффақ бўлдим.

– Ҳозирда Тошкент давлат техника университети механика факультетининг 1-курс талабасиман, – дейди резервга бўшатилганлардан яна бири Афзал Ҳайдаров. – Муддатли ҳарбий хизматдан тавсиянома билан қайтганим учун тайёрлов факультетида бепул таҳсил олдим. У ерда малакали педагоглар сабоқ беришди ва бу орзуимнинг амалга ошишида катта аҳамият касб этди. Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиб қайтган абитуриентларга бундайин эътибор ва ғамхўрлик қалбимизни фахрга тўлдиради, шу юрт фарзанди эканлигимиздан ғурурланамиз.

– Мен жорий йилнинг июнь ойида “O‘zGazOil” компаниясининг ёқилғи қуйиш шохобчасига ишга жойлашдим, – дейди Қуролли Кучлар резервига бўшатилган фуқаро Ботир Турсунов. – Менинг тезда иш билан таъминланишимда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганим муҳим роль ўйнади. Армияда ёшларга яратилган кўплаб имтиёзлардан баҳраманд бўлган эдим. Энди англаб турибманки, бундай имкониятлардан хизматдан кейин ҳам бемалол фойдаланишимиз мумкин экан. Ҳозирги ишимдан мамнунман. Аҳил ва иноқ жамоада ўз ўрнимга эга бўлдим.

– Ҳарбий хизматдан қайтгач, қизиқишимдан келиб чиқиб Бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан бепул ҳунар ўрганиш курсларига юборилдим, – дейди яккасаройлик Шуҳрат Жуматурдиев. – У ерда малакали мутахассислар дарс беришар экан. Улар берган сабоқларни пухта ўзлаштириш асносида ўқув курсини аъло баҳоларга тамомладим ва менга «ЭҲМ оператори» ихтисослигига эга бўлганимни тасдиқловчи диплом берилди. Бугунги ярмаркада бир қанча ташкилотлар томонидан соҳамга оид бўш иш ўринлари таклиф этилган экан. Улар билан танишиб, ўзимга энг маъқул муассасага ишга кирмоқчиман.

– Ҳозирда ўзим таҳсил олган мактабда ўқувчиларга қўл жанги сир-асрорларини ўргатмоқдаман, – дейди Миробод туманида истиқомат қилувчи Степан Пальчиков. – Мазкур спорт тури бўйича «Спорт устаси» даражасига эга бўлганим учун ишга жойлашишим қийин бўлмади. Бунда мактабимиз ва Бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбарияти яқиндан ёрдам беришди. Клубимизда турли ёшдаги болалар спорт билан шуғулланишмоқда. Иқтидорли, умидли ўқувчилар анчагина. Умид қиламанки, уларнинг орасидан моҳир қўл жанги усталари, чемпионлар етишиб чиқади.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига биноан Қуролли Кучлар резервига бўшатилган фуқаролар хизмат давомида эгаллаган мутахассисликлари бўйича бўш иш ўринларига жалб этилмоқда, – дейди Яккасарой туман Бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбари Дилдора Муҳиддинова. – Тегишли касб тайёргарлигига эга бўлмаган йигитлар марказимиз ёрдами билан муайян касбга бепул ўқитилмоқда. Бу борада бизга давлат ва жамоат ташкилотлари, айниқса, туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари катта ёрдам бериб келмоқда. Шу кунгача Ватан олдидаги конституциявий бурчини ўтаб, уйига ёруғ юз билан қайтган юзлаб ўғлонлар иш билан таъминланиб, жамиятнинг турли соҳаларида юрт тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТАШРИФ

МИЛЛАТ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН САНЪАТКОР

Ўзбек миллий академик драма театри мамлакатимиз театрларининг дарғасидир. Улуғ даргоҳ саҳнасида ўзини кўришни орзу қилмаган санъаткор бормикан?! Бу ерда ҳар бири бир мактаб бўлишга арзирли театр саҳнаси усталари ижод қилиб ўтдилар, ижод қилмоқдалар. Мазкур театрда ҳормай-толмай ижод қилиб келаётган севимли актёримиз Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ҳам улуғ даргоҳнинг улкан усталари сабоғи-ю ўгитларидан баҳра олиб, халқимиз муҳаббатини қозона олган таниқли санъаткордир. Мен ҳарбийлар ҳузурига қувонч билан ошиқаман, дейди севимли актёримиз. Ҳарбийларимиз-да унинг ташрифидан қувонадилар.



МУҲАББАТ ВА УМИД ҚЎШИҚЛАРИ-ЛА УЛҒАЙГАН ЎҒЛОН

Инсон оилада шаклланади, камол топади. Ёш Эркин улғайган хонадон ҳам кўплаб юртдошларимизникидан деярли фарқ қилмайди. Хонадон соҳиби Комил қори ўз даврининг илмли кишиларидан бири бўлган. Ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган бу инсон фарзанди қалбига кўп олижаноб фазилатлар билан бир қаторда мутолаага муҳаббат ҳиссини ҳам сингдирган.

Севимли санъаткоримизнинг ота-онаси ҳақида сўз кетганида унинг онаси Хайринисо ая ҳақида алоҳида тўхталмаслик мумкин эмас. Илмга меҳри баланд, болажон, ҳар бир гапини халқона мақоллар билан безаб сўзловчи онаси ҳақида чексиз меҳр ва самимият билан гапираётган актёр хотираларини тинглаб туриб, беихтиёр миллатнинг фидойи аёллари кўз ўнгингизда намоён бўла бошлайди. Биргина қалби уйғоқ санъаткоримизнинг ўзи ҳам миллат аёлининг буюк тарбиячи эканлигининг далолатидир.

Алла... Энг гўзал инсоний туйғулар, фазилатлар бешик бошида айтилгувчи ана шу ўлмас қўшиқ билан юракка муҳрланади дейдилар.

– Мен онамнинг аллаларини тинглашни севардим, – дея хотирлайди актёр. – Ҳар гал уларни зиёрат қилар эканман, алла айтишларини сўрардим.

– Сиз ҳали ҳам гўдаксиз-а, Эркинжон, – деб эркалаб, алла айта бошлардилар...

– Ҳозир ҳам кўзларимни юмиб, дилга хуш ёқувчи майин, оҳангдор овозни қумсайман, онамнинг овозини...

Оналар айтгувчи муқаддас қўшиқ ҳақида Расул Ҳамзатов шундай ёзган эди: «Рост, оналарга бағишлаб қўшиқ ёзиш ва куйлаш ҳар бир шоирга ҳам насиб этганича йўқ. Лекин ўғлига муҳаббат ва умид қўшиғини куйламаган она оламда бўлмаса керак, албатта. Булар – она аллалари – санъатнинг бебаҳо хазинаси...»

Ҳа, эл ардоғидаги севимли санъаткоримиз ана шундай бебаҳо хазина – муҳаббат ва умид қўшиқларини тинглаб улғайган.

«БУ ЭРКИННИНГ РОЛИ»

Ўзбек миллий академик драма театридаги дастлабки фаолияти шундай бошланган эди. Комил Яшин қаламига мансуб спектаклни саҳналаштириш олдидан роль тақсимлашда театрнинг бош режиссёри Тошхўжа Хўжаев унга Аваз ролини берар экан, шундай таъкидлади:

– Агар шу ролни маромига етказиб ўйнасанг театрда қоласан, акси бўлса ҳеч кимдан хафа бўлиб юрма.

Унда ёшликка хос ғайрат қайнаб-тошиб турарди. Аваз шунчаки роль бўлмай унинг истеъдод ва маҳоратини кўрсатиш учун берилган имконият ҳам эди. У ўз ролини қойиллатиб ўйнади. Мазкур ролни таниқли актёр Зикир Муҳаммаджонов ҳам ижро этганлар. Эркин Комилов ижросини кузатган актёр «Бу Эркиннинг роли», дея эътироф этган эди. Дастлабки муваффақият билан уни қутлаш баробарида театр жамоасига яна бир истеъдоднинг келиб қўшилганлигини томошабинларга эълон қилдилар. Уни узоқ олқишладилар... ва шу кундан эътиборан унинг ҳар бир чиқиши мухлислари сафини кенгайтира бошлади.

ШУКУР БУРҲОНОВ МАКТАБИ САБОҚЛАРИ

Актёр халқ назарида бўлишни исташи шубҳасиз. Ҳа, халқ назарида бўлган актёрлар кўп. Аммо халқ меҳрини қозонган актёрлар бармоқ билан санарлидир. Миллат меҳрига сазовор бўлган ана шундай санъаткорлардан бири ҳеч сўзсиз Эркин Комиловдир.

Бундай мавқе ортида тинимсиз меҳнат, ижод заҳматлари мужассам. У ўзбек театр саҳнаси дарғаларидан Шукур Бурҳонов сабоқларини олган, ҳар томонлама улуғ устозига муносиб бўлишга интилиб келади. Мен театр санъати устаси ҳақида сўз юритиш фикридан узоқман. Бетакрор санъаткорга халқимиз аллақачон юксак баҳони бериб бўлган. Театр саҳнасини бебаҳо овози билан тўлдирган, театр саҳнасини ҳар бир чиқиши билан нурлантириб юборган уста санъаткор ҳақида шогирди Эркин Комилов қуйидагиларни хотирлайди: «Устоз Шукур ака Бурҳонов, шоир Мақсуд Шайхзода ўрталарида «Мирзо Улуғбек» драмаси саҳналаштирилаётган пайтда шундай суҳбат бўлиб ўтган эди:

– Драмадаги Мирзо Улуғбекнинг Гавҳаршод бегимга жавоби бўлган қуйидаги сатрларни ўзгартиринг:

Аралашманг бу давлатнинг ишларига сиз,
Сиз – онасиз, билинг, эмас ҳокима!

– Нима учун, – ажабланиб сўрадилар Мақсуд Шайхзода.

– Шундай улуғ олим онасига бундай кескин сўзлаши мумкин эмас.

– Йўқ, ўзгартирмайман, сиз актёрсиз, бу сўзларни ўрнига қўйиб айтинг!

Суҳбат шу жойда тугади.

Драмага ўзгартириш киритилмади. Сўзнинг қудратини таърифлашга ожизман. Устоз саҳнада юқоридаги сўзларни шундай айтдиларки, султон ўғил ва она суҳбатининг бағоят нозик бу ҳолатини томошабинга шу қадар заргарона тарзда етказдиларки, бу ҳолатни фақат кўриш ва тинглаш керак».

Ҳа, улуғлар сабоғи унутилмасдир. Севимли актёримиз «Бой ила хизматчи» драмасининг саҳналаштирилаётган лаҳзаларини шундай эслайди: «Устоз Солиҳ бой ролида, каминангиз Гофирни ижро этаётган эдик. Унда Гофирнинг тўйдан кейин бой ҳузурига кириш саҳнаси бор. Бой отанинг марҳаматидан қувончимнинг чеки йўқ. Қўлларим кўксимда тавозе билан ҳузурига кирар эканман, менга кўзлари тушган устоз қўллари билан «чиқиб кет» ишорасини қилдилар. Бошқатдан кирдим, қайта кирдим... яна шу аҳвол. Ҳамма ҳайрон. Охири сўрашга жазм қилдим. Жавоблари шундай бўлди: «Марҳамат кўргазган бой олдига хизматкор бу каби инқилобий, шахдам одимлар билан кирмайди. Оёқ олишинг тўғри келмаяпти». Булар улуғ устоздан олган сабоқларимнинг айримлари, холос. Улар саҳнада ёлғон йиғлаган, ёлғон қувонган, ёлғон пауза қилган актёрни ўгрига қиёслар эдилар. Саҳнада ҳалол ўйнамоқ лозим! Устозлар ўгитида ҳикмат бор».

«ГИРДОБ»ДАН ҚАЛБЛАРГА

Эркин Комилов саҳнада бир-бирига ўхшамас, такрорланмас турфа образлар яратди. Тарихий шахслар сиймоси, замондошларимиз қиёфаси... санаб адоғига етиш мушкул.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида санъаткор ижоди ғоят сермаҳсул бўлди. Айниқса, ёзувчи Ўктам Усмонов қаламига мансуб «Гирдоб» спектакли театр оламида катта ҳодиса бўлди. Мазкур спектаклдаги ёш олим Азиз Қосимов роли билан у ҳар бир юртдошимиз қалбидан жой олди.

ВАТАН – ОТА-ОНАМ ХОКИ ЁТГАН МУҚАДДАС ТУПРОҚ

Мустақиллик шарофати билан ўзбек театрлари ҳам ўз санъатларини хориж давлатлари саҳналарида намойиш этиш имконига эга бўлдилар. Бу борада миллий анъаналар, қадриятларни кенг тарғиб қилиб келаётган Ўзбек миллий академик драма театрининг фаолияти таҳсинга сазовор.

– Мен қатор Европа ва Осиё давлатларида сафарларда бўлдим, – дейди актёр Эркин Комилов. – Табиийки, бу юртларнинг инсонлари, яшаш тарзи билан қизиқасиз. Ана шундай сафарлардан бири Англия сафаридир. У ерда муҳожир ватандошимиз Абдуллатиф исмли йигит бизни кутиб олган эди. Қатағон йиллари унинг отаси юртдан чиқиб кетган, ўзи ҳам Афғонистон тупроғида туғилган. Ўзбекона лутфида ҳам Ғарбнинг руҳи акс этиб турган бу йигит отасининг юртдан чиқиш пайтидаги армон тўла ҳикоясидан Андижонга меҳри тушган. Отанинг ҳикояси қуйидаги мазмунда: анча йўл юриб дам олгани тўхтаганларида отни тут дарахтига боғлаганлар, ўша ерда оқиб турган зилол сувга нон ботириб еганлар...

– Тут дарахти нима, – деб сўраган эди Абдуллатиф.

Мен унга бу дарахт ҳақида гапириб бердим.

Нонни оқиб турган сувга ботириб ейиш мумкинми, – яна сўради у. Мен ҳа дея тасдиқлагач, унинг кўзларига ёш келди. Бу йигитнинг ҳамма нарсаси бор, ҳатто шахсий самолёти ҳам, Аммо унинг кўнгли кемтик. Бойликлари Ватанда қолган биргина тут дарахтининг олдида ҳечдир.

Бундай учрашувлар Ватан қадрини янада теранроқ англатади. Аммо мен ота-онам хоки ётган тупроқни ҳамиша тавоф қилиб келаман. Бу тупроқ муқаддасдир. Дунёда мафтункор, гўзал юртлар кўп. Аммо Ўзбекистон бўлакча, унинг бетакрор урф-одатлари бўлакча, улуғ миллатимизнинг руҳи бўлакча...

ХАЛҚ РУҲИ, МАЛОҲАТИ АКС ЭТГАН ОЙИНА

Театр ва кино санъатини ана шундай миллат руҳи, малоҳати ёрқин буёқларда акс этадиган ойина дейиш мумкин. Кейинги пайтларда кўплаб кинолар суратга олинди, олинмоқда. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бирдай муваффақиятли чиқаётгани йўқ. Яқинда экран юзини кўрган «Сув ёқалаб» фильми кино санъатида кейинги йилларда ишланган энг жиддий ва энг сара фильмлардан бири бўлди. Унда бош қаҳрамон Болтабой Мардон ролини севимли актёримиз Эркин Комилов ижро этди. Мазкур фильм мудроқ босган қалбларни уйғота олиш кучига эгалиги билан қадрлидир. Фильмни кўрар экансиз, Болтабой Мардоннинг мардона қалбини очиб бера олган актёр маҳоратига қойил қоласиз, яхшиликнинг унутилмаслиги, гард юқмаган асл туйғулар, ориятлилик, ота-қиз, ота-ўғил муносабатининг айтилавермас, аммо кўзга ярқ этиб ташлангувчи миллатимизгагина хос жиҳатларини илғаб оласиз. Сизни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундовчи мазкур фильмни эшитгандан кўрмоқ афзалдир.

Таниқли санъаткор ҳамиша одамлар орасида, ҳамиша ҳаракатда. Ёшлар тарбиясига оид турли дастурлар, гастроллар... Бугун театр санъатининг устаси Эркин Комиловнинг бир талай шогирдлари бор. Улар орасида иқтидорли актёрлар Асадулло Набиев, Саид Абдулҳамидов, Шукрулло Сўфиев, Ўткир Менглиевлар устоз ишончини оқлаб, меҳрини қозонганлар. Сўзимизни шу ерда мухтасар қилар эканмиз, миллат руҳи, малоҳати акс этмиш ойина – кино ва театр саҳнасида актёр Эркин Комилов яна кўплаб унутилмас образлар яратиб, мухлислари кўнглини шод этади деб умид қиламиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТАРАҚҚИЁТ

Қарор ва ижро

ЭЛЕКТРОН ҲАМЁН – ҚУЛАЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими йилдан-йилга такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелда қабул қилинган «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «электрон ҳамёнлар»дан фойдаланиш кўлами янада кенгаймоқда.

Пойтахтимиз, вилоятлар ва туманлар марказларида тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қиладиган ҳамда терминаллар билан жиҳозланган чакана савдо ва пулли хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари кўпаймоқда.

ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти директори Аҳмад МАМАТОВ билан суҳбати Ўзбекистонда пластик карточкаларни қўллаган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш ҳақида бўлди.

– Пластик карточкалар эгаларига савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида қулай шарт-шароит яратиш мақсадида мамлакатимиз бўйича қарийб 42 минг тўлов терминаллари ўрнатилди, – дейди А.Маматов. – Тижорат банклари савдо шохобчаларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларни терминаллар билан тўлиқ жиҳозлаш борасида зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жорий йил охиригача терминаллар сонининг яна учдан бир ҳиссага кўпайиши, бунинг натижасида пластик карточкалар эгаларига қўшимча қулайликлар яратилиши кутилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида 2009 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан 5,5 миллион донадан ортиқ пластик карточка муомалага чиқарилди. Бошқача айтганда, мамлакатимизнинг деярли ҳар беш фуқаросидан бири айни пайтда ўзининг «электрон ҳамёни»га эга.

– Кредит карточкаси кейинги 50 йилда банк бизнесидаги энг муҳим янгиликлардан бири бўлди. Шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

Нью-Йорклик бизнесмен Фрэнк МакНамару одамларга ҳамёнидаги нақд пул билан чекланмаган ҳолда, харид қилиш ёки хизматлар учун ҳақ тўлаш имконини берадиган воситани ихтиро қилганига эллик йилдан ошди. Бунга унинг ўз ҳамёнини уйида унутиб қолдиргани ва бу ресторанда овқатланганидан сўнг эсига тушгани сабаб бўлган эди. Қизиғи шундаки, бундай паришонхотирлик жаҳонда карточка саноатини ривожлантириш тарихига сабаб бўлди.

Шундан буён ўтган вақт мобайнида пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича кучли инфратузилма – эквайринг ташкилотлар, процессинг марказлар, терминаллар ва банкомат тармоқлари ташкил этилди. ISO (International Standarts Organisation) электрон пул билан ҳисоб-китоб қилиш тизимини шакллантириш жараёнида пластик карточкалар учун асосий стандартларни ишлаб чиқди ҳамда жорий этди. Улар картларнинг ташқи кўриниши, банкдаги карточка ҳисоб-варақлари рақами, карточка эгасига унинг операциялари ва бошқалар ҳақида юбориладиган маълумотлар бўйича муайян талаблардан иборат. Айни пайтда дунёда 1 миллиарддан ортиқ чипли (микропроцессорли) пластик карточкалар мавжуд ва бу рақам муттасил ўсмоқда.

Бугун банк пластик карточкалари нақд пул ўрнини эгаллаган ҳолда, ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ўзбекистонда пластик карточкалар бозори эндигина ривожланмоқда. Ушбу бозорга 1994 йил 26 майда Вазирлар Маҳкамасининг «VISA» дебет ва кредит карточкаларини муомалага чиқаришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан асос солинган эди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимизда VISA International халқаро тўлов ассоциацияси пластик карточкаларининг биринчи эмитенти ҳисобланади.

Молиявий янгиликни жорий этиш ва жамиятнинг бунга мослашиши муайян вақт талаб қилади. Бундан Ўзбекистон ҳам мустасно эмас. Масалан, АҚШда банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимига ўтиш учун қарийб 20 йил керак бўлди. Мамлакатимизда бу жараён босқичма-босқич амалга оширилаётир. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимига ўтиш моданинг кетидан қувиш ёки ғарбга тақлид қилиш эмас. Ушбу қулай ва ишончли тўлов воситасини жорий этиш замон талабидир.

Ўзбекистоннинг миллионлаб аҳолиси электрон ҳамёнлардан фойдаланиш қулайлигини амалда ҳис этди. Электрон ҳамённинг энг асосий қулайлиги ҳамёнда нақд пул олиб юриш заруратидан халос қилишида. Бу қулайлик ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам афзалдир. Пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириладиган операцияларда пулни йўқотиб қўйиш, ўғирлаш ёки хато ҳисоб-китоб қилишнинг иложи йўқ. Бунинг устига, «электрон ҳамён» эгаси фоиз шаклида қўшимча даромад ҳам олади. Бугунги кунда ушбу фоиз, республикамиз тижорат банклари таклиф этаётган ставкаларга мувофиқ, йилига камида 14 фоизни ташкил қилади.

Шу билан бирга, пластик карточкалар амалга оширилаётган тўловлар ҳақидаги барча ахборотни ўзида сақлайди. Шундай экан, ундан фойдаланувчининг сотиб олинган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағ тўғрисида барча рақамларни эслаб қолишининг ҳожати йўқ. Карточка эгаси махсус ускуна ёрдамида саноқли дақиқада пул маблағи нимага сарфлангани ҳақидаги зарур маълумотга эга бўлади.

Пластик карточканинг яна бир афзаллиги шундаки, у ҳудуд ёки эмитент банкидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг барча ҳудуд ҳамда банкларида амалда қўлланилади. Иш ҳақини пластик карточкада оладиган фуқаро, меҳнат таътили ёки хизмат сафарида бўлишига қарамай, ўз пулини ҳар қандай терминал орқали олиш имконига эга.

Бошқача айтганда, пластик карточка нафақат товар сотиб олаётган ёки хизматлардан фойдаланаётган фуқаролар, балки иш ҳақи тўлайдиган хўжалик субъектлари учун ҳам тўловлар тизимини осонлаштиради ва, пировард натижада, мамлакатимиз тўлов тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– Айни пайтда юз минглаб ўзбекистонликлар бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Аксарият пластик карточка эгаларини нақд пулсиз шаклда ҳисоб-китоб қилиш тартиби қизиқтиради. Агар савдо шохобчасида терминал бўлмаса ёки сотувчилар харид қилинаётган товар нархини оширганда, нима қилиш керак?

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ нақд пулсиз тўлов тизимини ривожлантириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон банклар ассоциацияси, тижорат банклари ва Марказий банк зиммасига юкланган. Марказий банк Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда тўлов терминаллари билан таъминлаш ва уларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги низомни ишлаб чиқди ва у Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олиниб, шу йилнинг 6 августидан кучга кирди.

Ушбу низомга биноан тўлов терминаллари авиа ва темир йўл чипталари сотиладиган кассалар, аҳолидан тўлов қабул қилиш пунктларида мажбурий тартибда ўрнатилиши, уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатадиган корхоналарда ташкил этилиши лозим. Шунингдек, телефон хизматлари, жумладан уяли телефон алоқаси хизмати учун тўлов қабул қиладиган пунктлар, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, савдо майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган муқим савдо дўконлари, ресторанлар, меҳмонхоналар, алоқа бўлимлари ва бошқалар терминаллар билан таъминланиши даркор.

Давлат солиқ хизмати органлари савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида тўловларни банк пластик карточкалари орқали қабул қилиш бўйича тўлов терминалларининг ўрнатилгани ҳамда улардан мажбурий фойдаланиш устидан назорат олиб боради.

Ушбу меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқ, товарлар (ишлар ва хизматлар) учун тўловларни банк пластик карточкалари орқали амалга оширишда нархларни асоссиз равишда кўтаришга йўл қўйилмайди.

Ҳисоб-китоб учун пластик карточкалар қабул қилинмаганда ёки нархлар сунъий равишда оширилганда Давлат солиқ қўмитасига, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг жойлардаги бошқармалари ёки истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тегишли органларга мурожаат қилиш лозим.

Айни пайтда мамлакатимиз молия институтлари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш учун барча чоралар кўрилмоқда. Тижорат банклари ҳисоб-китобларни ягона тариф бўйича пластик карточкалари орқали амалга оширмоқда. Масалан, хизмат кўрсатувчи банклар кассасидан иш ҳақини олишда пластик карточкалари эгаларидан фоиз ундирилмайди. Барча банклар ва мини-банкларда (омонат кассалар, махсус кассалар) тўлов терминаллари мавжуд бўлиб, улар ёрдамида барча турдаги коммунал хизматлар учун (электр энергияси, сув, газ ва бошқалар) тўловларини амалга ошириш мумкин.

ЎзА мухбири
Вера РУДАКОВА
суҳбатлашди.

Рақамлар –тараққиётдан сўзлар

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор вазифаларини ва Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бўйича фаол саъй-ҳаракатлар натижасида 2009 йилнинг ортда қолган 9 ойи давомида мамлакатимизда барқарор, изчил ривожланиш қайд этилди. Хусусан, қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, имтиёзли кредитлашни кенгайтириш йўли билан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари фаолиятини рағбатлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилда қабул қилинган қарорларини амалга ошириш натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 13,7 фоизга ўсди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилнинг 9 ойи мобайнида маҳсулотларнинг 100 дан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 баравар кўпайди, 2,6 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш таъминланди.

Бу кўрсаткичлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган ва изчил дастурига асосан одимлаётганимиз, инқирозга қарши самарали чора-тадбирларни амалга ошираётганимиз, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини муваффақиятли бартараф этишга ҳаракат қилаётганимиз туфайли иқтисодий ўсишга эришаётганимизнинг амалдаги тасдиғидир.

Ш. ТОЛМАСОВ тайёрлади.

ОЛИС ОВУЛЛАРДАГИ ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида Оролбўйида намунавий лойиҳа асосида юзта замонавий уй-жой фойдаланишга топширилади.

Қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқ ва овулларда замонавий меъморчилик талабларига мос, қулай ва шинам турар-жойлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 августда қабул қилинган қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга қаратилган қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси, “Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа-қидирув институтининг Қорақалпоғистон Республикаси филиаллари томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Айни пайтда намунавий лойиҳалар асосида Нукус, Қўнғирот, Кегейли, Элликқалъа ва Хўжайли туманларида йигирматадан турар-жой қуриш ишлари бошлаб юборилди.

– Қишлоқ аҳолисининг барча шарт-шароитга эга, замонавий қурилиш материалларидан нисбатан қисқа муддатда барпо этиладиган намунавий уйларга қизиқиши катта, – дейди “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Лепесбой Алламжаров. – 2010 йили овулларимизда яна 484 ана шундай турар-жой қурилиши амалга оширилади.

Хўжайли туманидаги Ойбек овул фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида якка тартибдаги тўрт хонали уйлар қурилиши жадал давом этмоқда. Бунёдкорлик ишлари “Хўжайли махсус қурилиш” шўъба корхонаси томонидан бажарилаётир.

– Замонавий кўринишдаги бу уйлар овулларимиз кўркига кўрк қўшади, албатта, – дейди Хўжайли тумани ҳокими ўринбосари Мақсет Ўтемуратов. – Бундай турар-жойларга талабгорлар сони тобора кўпайиб бораётир. Бош режа асосида 2010 йили Ойбек овул фуқаролар йиғинида 110 уй қуриш мўлжалланмоқда.

Қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жой қурилиши инвесторлар сармоялари ва банк кредити ҳисобидан, ижтимоий инфратузилма иншоотлари ва муҳандислик тармоқлари эса маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳомийлар кўмагида амалга оширилади.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

МАЪНАВИЯТ

ТИНЧЛИК ҚЎШИҒИ

Болалигимда машҳур шоиримизнинг тинчлик ҳақидаги шеърини жуда севиб, хиргойи қилиб юрардим. Гарчи ўша пайтларда кўп нарсанинг мазмун-моҳиятини англаб етишга ақлим етмаган бўлса-да, ҳозир унча-мунча мавзу атрофида бемалол баҳс юритадиган бўлиб қолдим... Сабаби мусаффо осмонга тикилиб хаёл суриш, сахий қуёш нурларидан баҳраманд бўлиш, меҳрибон онанинг қайноқ бағрида ўйнаб-кулиб юришнинг қандай буюк бахт эканлигини бугунгидек талатўп замонда англаш учун унчалик ка-ат-та ақл керак бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Ҳар куни уйқудан уйғонар эканман, қалбим нурга тўлгандай бўлади – эзгу ният, орзулар қиламан. Албатта бу умр ўтаётганлиги ёхуд фақатгина ой ботиб, қуёш чиқаётганлиги учунгина эмас, балки юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик учун қилинаётган шукроналик нишонаси ҳамдир.

Бугун дунёда мусаффо осмонни кўра олмаётган, қушлар сайроғини эшита олмаётган, энг даҳшатлиси эса тинчлик нима эканлигини билмай вояга етаётган бахтсиз гўдаклар қанча. Улар катта бўлганларида қандай қўшиқларни хотирлайдилар.

Устозларимиздан бири мана бу гапни кўп такрорлайдилар: “ – Агар мустақил юртимизда бугунгидек тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмаганида, мен ҳозир бу ерда маъруза ўқимаётган, сизлар ҳам мени тингламаётган бўлардингиз”.

Тезкор оммавий ахборот воситалари орқали турли жойларда рўй бераётган уруш-жанжаллар, қон тўкилишларнинг гувоҳи бўлар эканмиз, беихтиёр устозимнинг сўзлари хаёлимга келади.

Биз уруш ҳақидаги фильмларнинг кўпини кўрганмиз. Балки дийдаси қаттиқроқ одам учун уруш манзараларини томоша қилиш роҳат бағишлар, лекин кўнгли бўшроқларнинг фильм томошасининг ўзидаёқ даҳшатга тушиши, нафратланиши, қўрқиши табиий... Лекин уруш жараёнида шахсан иштирок этган инсонларнинг ўша пайтдаги ҳолатини тасаввур қиладиган бўлсак, чиндан ҳам қайғулидир. Майли, уларнинг омади келиб урушдан омон чиқди, ҳам дейлик. Лекин бир умр уруш хотиралари билан яшашнинг нечоғлик даҳшатли эканлигини фақат уларгина ҳис қила оладилар. Биз эса уларнинг дардини минг уринганимиз билан тушуна олмаймиз. Сабаби – эшитиш бошқа-ю, кўриш бошқа. Афсуски, айни пайтда дунёнинг турли нуқталарида ҳамон зулм ва зўравонлик ҳукмрон, уруш оловлари ёнмоқда. Миллионлаб инсонлар даҳшатли ҳодисаларнинг гувоҳи бўлмоқдалар. Дунёдаги бугунгидек нотинч вазият ва урушлар дунё аҳли қатори бизни ҳам ташвишга солиши табиий. Чунки биз ҳам бошқа миллатлар қатори тинчлик тарафдоримиз. Халқимиз ибораси билан айтганда: “Бир кун уруш бўлган хонадондан қирқ кун барака кўтариларкан”. Агар буни дунё миқёсида оладиган бўлсак, инсоният анча-мунча баракани йўқотиб улгурибди.

Жонажон Тошкентимизни томоша қилиб юрар эканман, бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб ич-ичимдан фахрланаман, қувонаман. Албатта бу кунларга етишнинг ўзи бўлгани йўқ, қанчадан-қанча азиз бошлар, ёш умрлар хазон бўлган. Уларни бугунгидек дориломон кунларда ёд этиб, руҳларини шод этиш биз ёшларнинг ҳам қарзимиз, ҳам фарзимиздир.

Чиндан ҳам бугун биз юртимиздаги мана шу осойишталикнинг ўзигаёқ беҳисоб шукроналик келтирсак, арзийди. Эрта тонгдан Ўзбекистон мадҳиясини тинглаб уйғоняпмиз, ўқияпмиз, ишлаяпмиз, ўйин-кулги дегандек... Чиндан ҳам, очиқсак овқатланиш, чарчасак ухлаш, зериксак ўйин-кулги, тўқликка шўхлик қилиш ҳақида ўйлаймиз-у, лекин энг асосийси эса юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик ниманинг эвазига бунёд бўлганлиги ҳақида ҳамиша ҳам бош қотиравермаймиз.

Бу дунёда муқаддас тушунчалар, қадриятлар бисёр. Шулар ичида энг улуғи ва ягонаси бу Ватандир. Ватаннинг нақадар муқаддаслигини эса аждодларимизнинг мана бу таърифларидан ҳам билиш мумкин.

Маҳмудхўжа Беҳбудий:

Ватан муқаддасдур. Қадрин билмоқ керак. Сотмасға ва ўлғунча айрилмасға керакдур...

Абдурауф Фитрат:

Ватан – у менинг жону таним, саждагоҳимдур. У менинг тўлин ойим, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур...

Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ – менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ – менинг тириклигимдур.

Чўлпон:

Туркистонли – шонимиз, туронли – унвонимиз,
Ватан – бизим жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!..
Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг Ватан,
Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакон.
Бу Ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл,
Кимки қасд қилса анга, кийсин пушаймондин кафан!..

– Отам урушга кетганида мен олти ойлик гўдак бўлган эканман, – дея маҳзун хотираларини сўзлайди Қашқадарё вилоятидан келган Турсунқул Жўраев. – У кишидан на хат-хабар, на қабр қолган. Ҳар йили баҳорда Хотира майдонига фарзандларим билан келиб отамни хотирлайман. Исмишарифи ёзилган «Хотира китоби»ни варақлаб, отамнинг руҳи поклари ҳамиша биз билан бирга эканини ҳис қиламан. Болаларим, невараларимга бизнинг дориламон кунларимиз учун курашда қурбон бўлганларни ҳамиша хотирлашни, тирикларни қадрлашни насиҳат қиламан.

Бу дардли дил нолаларига қулоқ тутар эканмиз, кўз олдимизга пойтахтимиздаги Хотира майдони келади.

“Хотира, хотирлаш ҳақида гапирар эканмиз, бу тушунчани қадрлаш тушунчасидан ажратиб бўлмайди, – дейди Юртбошимиз. – Ҳақиқатан ҳам, бу ёруғ кунларга нима ҳисобидан эришганимизни, бу йўлда қандай оғир курашлар, азоб-уқубат ва йўқотишлар бўлганини, қанчадан-қанча одамлар уруш майдонларида азиз жонини қурбон қилганини англамасак, тушунмасак, бугунги кунимизни, мусаффо осмонимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни англаш, унинг қадрига етиш қийин бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда орамизда, сафимизда соғ-саломат, бардам яшаётган, бугунги ҳаётимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам ва азиз фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга ҳар томонлама ҳурматимизни билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз”.

Чиндан ҳам тарихий хотира билан яшаш, инсон хотирасини ёд этиш, ўтганларнинг хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш – бу асл миллий қадриятларимизда, анъаналаримизда жуда катта ўрин тутади.

Агар ҳаётга теранроқ нигоҳ билан қарайдиган бўлсак, хотирасиз яшаб бўлмайди, аслида ҳам хотирасиз келажак йўқ.

Бугун барчамиз Ватанни ҳимоя қилиш учун, бизнинг шу осойишта кунларга етиб келишимиз учун уруш майдонларида кўксини қалқон, жонини фидо этган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, таъзим қиламиз. Илоҳим, барча гўдакларимизга тинчлик қўшиғини куйлаб улғайиш бахти насиб этсин.

Назира БОЙМУРОДОВА.

ЎЙЛАБ-ЎЙЛАМАЙ ФИКР ЮРИТСА...

Шукрлар бўлсинки, юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг қатор ижобий ўзгаришлар гувоҳи бўлмоқдамиз. Ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, спорт ва бошқа соҳаларда ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Шу ўринда оммавий ахборот воситаларидаги ютуқларни ҳам тилга олмай иложимиз йўқ. Тан олиш керак, Республикамизда кундан-кунга матбуот нашрлари кўпайиб бормоқда. Улар орасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги долзарб муаммоларни кўтариб чиқаётган, халқ эътирофига сазовор бўлаётган газета ва журналлар ҳам талайгина. «Гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, афсуски, матбуотимиз «гуручи»да тишга ботадиган «курмаклар»и ҳам оз эмасдек, назаримда.

Тилимизда «сариқ матбуот» деган иборани қўллаётганимизга ҳам кўп бўлгани йўқ. Сўнгги йилларда уларнинг сони кескин равишда ўсиб бормоқда. Нашрларнинг кўп бўлгани яхши. Чунки матбуотдаги турли фикр, турли қараш жамият ривожи учун ҳам бирдек зарур. Лекин шу ерда ҳақли савол туғилади: бизга сон керакми ёки сифат?

Асосан кўнгилочар саҳифалардан иборат бўлган матбуотнинг ушбу тури кўпинча журналистика, публицистика шаънига доғ туширгандек бўлмоқда. Тўғри, ушбу нашрлар орасида ҳам салмоқли мақолалар чоп этаётганлари, маънавиятимиз ривожига улуш қўшаётганлари ҳам бор. Аммо улар бармоқ билан санарли.

Энг ачинарлиси, кўпгина кўнгилочар нашрларнинг кўтариб чиқаётган мавзуси фақатгина хонандалару, актёрларнинг кундалик турмушига доир олди-қочди хабарлар, икир-чикирлардан иборат бўлиб қолмоқда.

«Чемпион» газетасининг расмий сайтида берилган мақолага эътибор беринг. Мақоланинг сарлавҳаси «Ай, Жиннуни» деб номланган ва қуйидаги сўзлар билан бошланган:

«Бугун пайшанба! Ҳар пайшанба уйдан чиқаётганимда яқинимиздаги Медицина коллежи олдида ўтириб дуо қиладиган мўлтони бобой талаба қизларга қаратиб алламбалолар деса-да, менга ўхшаган уйланғани «точний» билиниб турган норғул йигитлар (нокамтарлик учун узр!) яқинлашаверса, «Бугун пайшамме. Бегойи жума! Муродбахш кун!» деб бошланувчи дуосини бошлаб қолади...».

Қайта-қайта ўқисамда сарлавҳа ва кириш сўзининг, бачкана ибораларнинг футболга қандай алоқаси борлигини англай олмадим. Пичинг ва кесатиқларга тўла мақолани охиригача ўқиб, журналист айнан нима демоқчи эканига тушунмадим. Хулосадаги фикрлар эса:

«Мана, «чайнаш» учун анчагина мавзуни пашмак қандек сочала қилиб юбордим. Ҳазм қилиб турганларингизча мен мўлтони бобойга бозор куни гуруч сотиб олаётганимда қайтимга берилган 2 та 100 сўмлик пулни садақа қилиб келай... Бугун менга шу бобойнинг дуоси жуда зарур!».

Яқинда футбол журналистлари билан боғлиқ яна бир мақолага кўзим тушди. Унда футбол бўйича Ўзбекистон-Япония учрашувидан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжумани ва ундаги журналистларнинг «қовун туширишлари» ҳақида сўз юритилади. Анжумандаги журналист-мураббий «суҳбат»и тахминан шундай давом этган:

– Нега футболчиларимиз узоқдан зарба беришмади?

– Беришдику...

– Йўқ, “Пахтакор”, “Нефтчи” футболчилари тепишяпти, бунёдкорчилар эса тепишмайди!

– Нималар деяпсиз? Саволни нотўғри қўйяпсиз. Бу ерда “Пахтакор”, “Бунёдкор”, “Нефтчи” деган гапларга нима бор? Ахир миллий терма жамоа ўйнаяпти-ку...

Юқоридаги фикрлар билан бизда умуман журналистика ривожланмаяпти, яхши журналистлар йўқ, демоқчи эмасман. Гап бошқа ёқда. Яъни аҳолининг кўпчилиги (афсуски) ўқиётган сариқ матбуотда «жавлон» ураётган баъзи қаламкашлар, ҳаваскорлар («журналист» дейишга тил бормайди) мавзуларга енгил-елпи ёндашуви, ўйлаб-ўйламай фикрлаши, адабий тил қоидаларини қўпол равишда бузиши орқали маънавиятимизга таъсир ўтказишмоқда. Ахир матбуот нафақат ахборот бериш, балки аҳолини маънавий-маърифий руҳда тарбиялашга хизмат қиладиган муҳим восита. Буни унутмаслигимиз керак!

Абдумажид АҲМЕДОВ.

СПОРТ

Мерганлик

МҲСК ВАКИЛЛАРИ ПЕШҚАДАМ

Пойтахтимизда ўқотар қуроллардан отишнинг олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган турлари бўйича МҲСК очиқ чемпионати ўтказилди. Юртимиз терма жамоасининг негизини ташкил этувчи ҳарбий спортчилар мерганлик бобида ҳам етакчилик қилишди.

Очиқ чемпионат баҳслари МҲСК вакиллари ва юртимизнинг етакчи мерганлари ўртасида кичик калибрли ва пневматик милтиқ ҳамда тўппончанинг бир неча русумдаги турларидан (вп-4, вп-6, мв-5, мв-9, мп-4, мп-6, пп-2, пп-3, рп-4) отиш – мерганлик бўйича ўтказилди. Айниқса вп-6 русумли қуролдан отиш баҳслари қизғин кечди. МҲСК вакили Дмитрий Бахтиёров иккинчи отиш сериясида фақат 10 баллик нишонларни аниқ мўлжалга олиб, ўн имкониятдан 100 балл тўплади ва юз фоизлик натижа кўрсатишга муваффақ бўлди. Унинг мерганлик маҳоратини бешинчи отиш сериясида жамоадоши Павел Савинич ҳам такрорлади. Қизиғи ҳар икки спортчи ҳам олти серияли отишлардан сўнг финал босқичга бир хил очко (585 балл) тўплаган ҳолда келишди. Учинчи натижа кўрсатган (574 балл) республика олимпия захиралари коллежи вакили С. Григорьев улардан сезиларли даражада ортда қолиб кетди. Бу финал босқичда олтин медаль учун кураш фақат МҲСК вакиллари ўртасида кечишини билдирарди. Устига-устак финал босқич отиш сериясида бош совринга даъвогарлар яна бир хил натижа (97 балл) кўрсатишди. Ғолибни қўшимча баҳсни ташкил этиш орқали аниқлашга тўғри келди ва унда омад Д. Бахтиёровга кулиб боқди, аксарият мусобақаларда доим етакчилик қилган П. Савинич эса бу сафар кумуш медаль билан кифояланди.

Муайян бир отиш сериясидаги юз фоизлик натижа хотин-қизлар ўртасидаги вп-4 русумидаги қуролдан отиш баҳсларида ҳам кузатилди. Бундай юқори кўрсаткич МҲСК вакили, халқаро тоифадаги спорт устаси Алена Аксеновага тегишлидир. Аммо бошқа отиш серияларида рақобатчиларидан камроқ балл тўплаганлиги боис, Аксенова умумҳисобда учинчи ўрин билан кифояланди. Бу баҳсларда халқаро тоифадаги спорт устаси, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Яна Фатхи ғолиб чиқди. Спорт устаси Сакина Мамедова финал босқич отиш сериясида Я. Фатхига нисбатан кўпроқ балл тўплади. Лекин биринчи поғонага кўтарилиши учун унга яна бир балл камлик қилди. Осиё чемпиони кичик сержант Елена Кузнецова эса 475 балл жамғариб, МҲСК очиқ чемпионатида тўртинчи ўринни эгаллади.

Халқаро тоифадаги спорт устаси Е. Кузнецова кичик калибрли милтиқдан (мв-9) отиш баҳсларида мерганлигини кўрсатди. У 60 имкониятдан жами 562 балл жамғариб, баҳсларда ғолиб чиқди ва биринчиликнинг ёпилиш тантаналарида унга МҲСК очиқ чемпионатининг олтин медали топширилди. Сакина Мамедова бу борада ҳам иккинчи, Яна Фатхи эса учинчи поғонага кўтарилди.

Кичик калибрли милтиқнинг бошқа русуми (мв-5) бўйича отиш баҳсларида ҳам ғолиблик учун кураш МҲСКнинг айнан шу уч нафар спортчиси ўртасида кечди. Бу гал Сакина Мамедова мерганлигини намойиш этди. У ётиб, туриб, чўккалаб отишдан иборат олти серияли баҳсларда жами 557 балл жамғариб, биринчи ўринни эгаллади. Кичик сержант Е. Кузнецова иккинчи (547 балл), шартнома бўйича хизмат оддий аскари Яна Фатхи учинчи (543 балл) натижа кўрсатди. Эркаклар ўртасидаги баҳслар совриндорларининг натижалари ҳам хотин-қизларникидан катта фарқ қилмади. Жами 557 балл жамғарган МҲСК вакили П. Савинич мв-5 русумли қуролдан отиш баҳсларининг кумуш медалини қўлга киритди. Ғолиб – Ўзбекистон чемпиони Андрей Журавлёв 60 имкониятдан 559 балл жамғаришга муваффақ бўлди. Кичик сержант Роман Голошапов ётиб отишнинг иккинчи сериясида 100 фоизлик натижа кўрсатган бўлса-да, умумий ҳисобда 547 балл тўплаб, якунда бронза медаль билан тақдирланди. Кичик калибрли милтиқдан (мв-9) отиш баҳсларида эса у «Динамо» вакили Ш. Набиевни 9 балл ортда қолдириб, биринчилик ғолиби бўлди. Спорт устаси Андрей Журавлёв эса бу гал учинчи ўрин билан кифояланди.

Армиячилар чемпионатнинг пп-3 русумли қуролдан отиш баҳсларида «Динамо» вакилига имкониятни бой беришди. Шуни таъкидлаш жоизки, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Артем Чернишев баҳсларга яхши киришди. У айниқса, иккинчи отиш сериясида фақат ўн баллик натижа кўрсатиб, пешқадамликни ўз қўлига олди ва финалга энг яқин таъқибчисидан икки балл кўп жамғарган ҳолда етиб келди. Лекин финал босқич отиш сериясида «Динамо» вакили С. Возмишев бу фарқни йўққа чиқарди. Натижада ғолибни улар ўртасидаги қўшимча отиш баҳсларини ташкил этиш орқали аниқлашга тўғри келди ва унда омад «Динамо» вакилига кулиб боқди. МҲСК вакиллари – Артем Чернишев кумуш, Азизжон Муҳаммадраҳимов бронза медаль билан тақдирланишди.

Армиячилар рп-4 ва мп-6 русумли қуроллардан отиш баҳсларида барча совринларга эгалик қилишди. Биринчи галги баҳслар якунига кўра шартнома бўйича хизмат оддий аскари Артем Чернишев олтин, Азизжон Муҳаммадраҳимов кумуш, майор Энвер Османов бронза медални қўлга киритди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, майор Энвер Османов мп-6 русумли қуролдан отиш баҳсларида 538 балл жамғариб, биринчиликнинг олтин медали билан тақдирланди. Бу борада спорт устаси Азизжон Муҳаммадраҳимов иккинчи, спорт усталигига номзод Николай Рибалкин учинчи натижа кўрсатди.

Хотин-қизлар ўртасидаги пневматик тўппонча (пп-2) ва кичик калибрли тўппончадан (мп-4) отиш баҳслари ҳам МҲСК вакилларининг яққол устунлиги остида кечди. Бу борада спорт усталигига номзодлар – Мария Теплова ва Татьяна Раҳимова шу йил ёзда ўтказилган мамлакат чемпионатида эришган натижаларини такрорлашди. Мария пневматик тўппончадан (пп-2) беш серияли отиш баҳсларида 468 балл тўплаб – биринчи, Татьяна 459 балл жамғариб, иккинчи ўринни эгаллади. Кичик калибрли тўппончадан (мп-4) отиш баҳсларида эса улар ўзаро ўрин алмашишди. Шоҳсупанинг учинчи поғонасига самарқандлик Лена Асанова кўтарилди.

Чемпионатнинг сўнгги куни ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари отишнинг олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган турлари бўйича очиқ чемпионатнинг 10 та олтин, 10 та кумуш ва 8 та бронза медалларига сазовор бўлишди. Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Яна Фатхи (битта олтин, иккита бронза), МҲСК вакиллари Сакина Мамедова (битта олтин, иккита кумуш) ва Азизжон Муҳаммадраҳимов (иккита кумуш, битта бронза) ҳаммадан кўп бор шоҳсупага кўтарилишди.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Майор А. БОБОХОНОВ олган суратлар.

Футбол

СОВРИНДОРЛАР АНИҚ, ЛЕКИН КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати ҳам ўз поёнига етай деб қолди. 28-тур учрашувларидан сўнг совриндор жамоалар номи аниқ бўлди, лекин қуйи поғоналарда кураш қизғин давом этаяпти.

Тошкентнинг «Пахтакор» ва Қаршининг «Насаф» жамоалари навбатдаги тур учрашувларини сафарда ўтказишди ва бир хил натижали (2:2) дурангга эришиб, Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг совриндорлари масаласига ойдинлик киритишди. Чемпионатнинг қолган тур учрашувларида қандай натижалар қайд этилишидан қатъий назар «Бунёдкор» олтин, «Пахтакор» кумуш, «Насаф» бронза медаль билан тақдирланадиган бўлди. Қуйи поғоналарни эгаллаб турган жамоалар ўртасидаги олий лигадаги мавқеини сақлаб қолиш учун кураш эса шиддатли кечмоқда. Хусусан, 28-тургача охирги поғонада келаётган «Бухоро» ўз майдонида «олий лигада жон сақлаш» умидидаги асосий рақибларидан бири Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мубораknинг «Машъал» клуби Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоасини 6:1 ҳисобида доғда қолдирди. Бекободнинг «Металлург» жамоаси эса сафарда Ғузорнинг «Шўртан» жамоасидан 0:1 ҳисобида устун келди. «Олий лигада жон сақлаш» умидидагилардан фақат «Сўғдиёна» бу турда сафарда «Олмалиқ»дан мағлубиятга (3:0) учради.

28-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Локомотив» (Тошкент) – Пахтакор» (Тошкент) – 2:2, «Андижон» – «Насаф» (Қарши) – 2:2, «Хоразм» (Урганч) – «Динамо» (Самарқанд) – 3:1, «Бунёдкор» (Тошкент) – «Нефтчи» (Фарғона) – 5:0.

	Жамоалар	Ў	F	Д	М	Т-Н	О
1	«Бунёдкор»	27	25	2	0	80-12	77
2	«Пахтакор»	28	17	9	2	66-14	60
3	«Насаф»	28	15	7	6	44-24	52
4	«Олмалиқ»	28	14	3	11	46-35	45
5	«Нефтчи»	28	13	4	11	38-34	43
6	«Андижон»	28	10	8	10	44-44	38
7	«Локомотив»	28	10	8	10	28-36	38
8	«Шўртан»	28	10	6	12	34-48	36
9	«Хоразм»	28	9	9	11	29-38	36
10	«Динамо»	28	10	5	13	40-40	35
11	«Қизилқум»	28	10	5	13	32-51	35
12	«Машъал»	27	7	6	14	30-38	27
13	«Металлург»	28	6	9	13	33-47	27
14	«Навбаҳор»	28	6	7	15	19-45	25
15	«Бухоро»	28	6	5	17	37-54	23
16	«Сўғдиёна»	28	6	5	17	23-63	23

Ўтган турда «Локомотив» дарвозасига тўп киритган «Бунёдкор»нинг бразилиялик афсонавий футболчиси Ривалдо жамоа таркибида бир мавсумда энг кўп гол муаллифига айланган Сервер Жепаровнинг рекорд натижасини янгилади. Жепаров 2008 йилги мавсумда «Бунёдкор» сафида 19 та гол урган бўлса, Ривалдонинг бу йилги кўрсаткичи 20 тага етди. Ривалдо чемпионатнинг барча мавсумлари бўйича «Бунёдкор» учун урган голлар кўрсаткичи бўйича ҳам Жепаровни ортда қолдиришга яқин турибди. Жепаров ҳисобида 30, Ривалдо ҳисобида 27 та гол мавжуд.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Қўл жанги

АРМИЯЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Навоий шаҳрида қўл жанги бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати ўтказилди. Унда Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ҳам қатнашиб, учта олтин, битта кумуш медални қўлга киритишди.

Бундан икки ой муқаддам МҲСК вакиллари Жаҳонгир Мансуров ва Шавкат Мунавваров пойтахтимизда ўтказилган халқаро турнирда барча рақибларидан устун келиб, ўз вазн тоифаларида бош совринга эгалик қилишганди. Шавкат Мунавваров мамлакат очиқ биринчилигида ҳам ўзининг тенгсизлигини намойиш этди ва олтин медалга сазовор бўлди. Жаҳонгир Мансуров эса бу гал бронза медаль билан кифояланди. Унинг жамоадошлари Владимир Биков ва Бобур Раҳматовлар ҳам Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритишди. Мамлакат биринчилигида қатнашган армиячилардан фақат Равшан Ситмуратов тўртинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди.

С. АЗИМОВ.

СПОРТ

Осиё ўйинлари–2009

ДАСТЛАБКИ МЕДАЛЛАР ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

30 октябрь куни Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинларига старт берилди. Қитъанинг қирқдан ортиқ мамлакати вакиллари спортнинг 22 тури бўйича ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришмоқда. Унда Ўзбекистон спортчилари, жумладан МҲСК вакиллари ҳам қатнашяпти. Биз учун энг муҳим жиҳати, Президентимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида 1998 йили халқаро спорт тури мақомини олган ўзбек миллий кураши ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинлари дастуридан ҳам ўрин олди.

Юртимиз вакиллари 2005 йилдан буён икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган ёпиқ иншоотларда ўйналадиган спорт турлари бўйича Осиё ўйинларининг барчасида иштирок этиб келмоқда. Илк марта Таиландда ўтказилган мусобақаларда вакилларимиз 22 медални (шундан 6 таси олтин) қўлга киритишга муваффақ бўлишганди. Икки йилдан сўнг Макаода ўтказилган мусобақаларда эса юртимиз спортчилари олтита (2 та олтин) медаль билан кифояланишди. Бу йил учинчи марта ўтказилаётган мазкур ўйинлар биз учун ўта муҳим. Чунки қитъа вакиллари илк бор Осиё ўйинлари доирасида ўзбек миллий кураши бўйича ҳам медаллар шодаси учун ўзаро кураш олиб боришади. Саккиз вазн тоифаси бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги беллашувлар гиламига қитъанинг йигирмага яқин мамлакати полвонлари чиқиши кутилмоқда.

– Ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинлари дастурига миллий курашимиз ҳам расман киритилиши бизни ғоят қувонтиради, – дейди кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Олим Ҳайитов. – Зеро, бу биз учун чексиз фахр-ифтихор, ғурур, қолаверса мустақил давлат сифатида дунёга ўз сўзини айтиб чиқаётган юртимиз, халқимиз, спортимиз учун жуда ажойиб муваффақият. Ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган навбатдаги Осиё ўйинлари аввало, ана шу жиҳати билан биз учун ғоят қадрли ва тарихий воқеадир. Ўйлайманки, миллий курашимиз қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақа мухлисларига ҳам манзур бўлади ва янада оммавийлашишда давом этади.

Ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинларининг кураш бўйича беллашувларида юртимиз спортчилари етакчилик қилиши табиий. Вакилларимиз шунингдек, ўйинлар дастуридан ўрин олган енгил атлетика, муайтай, пенчак-силат, кикбоксинг, шахмат, футзал турлари бўйича ҳам совриндор бўлиш учун даъвогар саналмоқда. Зеро, эсингизда бўлса, Осиё ўйинлари тарихидаги биринчи олтин медални футзалчи қизларимиз қўлга киритишган эди. Вьетнамга йўл олган енгил атлетикачиларимизнинг бир неча нафари қитъа чемпионлари ва Осиё рекордчилари ҳисобланади. Бошқа спорт турлари бўйича майдонга чиқадиган аксарият вакилларимиз ҳам қитъа миқёсидаги мусобақалардан доим совриндор бўлиб қайтишган. Шунинг учун ҳам спортчиларимиз имкониятлари юқори баҳоланмоқда. Буни албатта, мусобақаларга ким қандай тайёргарлик кўрганлиги, майдондаги беллашув ва баҳслар шиддати, қолаверса, олий ҳакам – вақт кўрсатади. Эслатиб ўтамиз, 30 октябрь куни старт олган қитъанинг нуфузли мусобақасида вакилларимиз спортнинг 10 та тури бўйича баҳсларда қатнашяпти. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мазкур мусобақада дастлабки медалларни қўлга киритишга ҳам муваффақ бўлди. 60 метрга югуриш бўйича аёллар ўртасида кечган баҳсда ҳамюртимиз Гўзал Хуббиева 07,39 сония натижа билан маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медални қўлга киритди. Газетамизнинг ўтган сонидаги «Спорт» саҳифамиз қаҳрамони кичик сержант Надия Дўсанова эса баландликка сакраш бўйича 1,93 метр натижа кўрсатиб, биринчи поғонага кўтарилди ва терма жамоамиз ҳисобига илк олтин медални олиб келди. Кичик сержант Леонид Андреев ҳам лангар чўпда сакраш бўйича баҳсларда Осиё ўйинлари ғолиби бўлди. Терма жамоамиз аъзоси, МҲСКнинг янги вакиласи Юлия Тарасова узунликка сакраш бўйича баҳсларда кумуш медални қўлга киритди.

Биз спортчиларимиздан Осиёнинг кичик олимпиадаси саналмиш мазкур мусобақасида Ватанимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишларини ва юртимизга медаллар шодаси билан қайтишларини кутиб қоламиз.

Р. ЖУМАЕВ.

Белбоғли кураш

ЮРТИМИЗДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида анъанавий спорт курашлари бўйича IV бутунжаҳон фестивали доирасида белбоғли кураш бўйича жаҳон ва Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти қошидаги Анъанавий спорт курашлари ассоциацияси, Белбоғли кураш халқаро уюшмаси, Белбоғли кураш халқаро федерацияси, Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ҳамкорликда ўтказган мазкур йирик мусобақа ва белбоғли курашни жаҳон бўйлаб оммалаштиришга қаратилган илмий-амалий конференция юқори савияда ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, миллий кураш корхонамиз ҳисобланган белбоғли курашнинг бутун дунё бўйлаб оммалашиши йўлида яна бир муҳим қадам ташланди.

Белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионатида дунёнинг 60 га яқин мамлакатларидан келган полвонлар ўзаро беллашишди. ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг кўмаги билан иқтисодий жиҳатдан унча тараққий этмаган қатор давлатлар терма жамоалари ҳам жаҳон ва Осиё чемпионати баҳсларида иштирок этишга муваффақ бўлди. Мусобақалар белбоғли курашнинг эркин ва миллий йўналишлари бўйича ўсмирлар, катталар ва фахрий спортчилар ўртасида ўтказилди.

Белбоғли курашнинг миллий йўналиши бўйича катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати беллашувларида ҳамюртларимиз – Хурсанд Умаров, Қодир Умрзоқов, Азизбек Миркомилов, россияликлар – Гига Чапидзе, Эльнар Ахмедзиёнов, Эльдор Аббосов ва қирғизистонлик Шуҳрат Бозоров ўз вазн тоифаси бўйича баҳсларда барча рақибларидан устун келиб, жаҳон чемпионлари бўлишди. Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда эса юртдошларимиздан Гулмира Мирзараҳимова ва Саҳобат Шералиева, Россия терма жамоаси аъзолари – Регина Салихова ва Анна Эмиляненко олтин медаль соҳибалари бўлишди.

Белбоғли курашнинг эркин йўналиши бўйича катталар ўртасида ўтказилган беллашувларда исроиллик Сосо Палиашвили, қирғизистонлик Жанболат Осмонов, юртдошимиз Темур Шокиржонов ва Россия вакиллари – Максим Афонин, Алибек Капаев, Аҳмад Тоторкулов, Мухтор Чомаев рақиблари елкасини ерга тегизиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритишди. Хотин-қизлар ўртасида кечган барча тўрт вазн тоифасидаги беллашувларда россиялик ва украиналик полвонлар ғолиб чиқишди. Юртдошимиз Замира Аҳмедова ўз вазн тоифасидаги финал беллашувида ютқазиб, жаҳон чемпионатининг кумуш медали билан тақдирланди.

Белбоғли курашнинг миллий йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати беллашувларида юртдошларимиздан Шамсиддин Эгамбердиев, Қодир Умрзоқов, Искандар Махаматов, Ойбек Бердимуродов кумуш медални қўлга киритишган бўлса, эркин йўналиш бўйича фахрийлар ўртасидаги беллашувлар гиламига чиққан полвонларимиздан Равшан Исоқов, Абдулла Мамаюсупов, Алишер Латипов, Аҳмад Тўрақулов, Неъматилла Тўйчиев, Шавкат Омонуллаев, Аъзам Шокиржонов ва Аҳмаджон Маллабоев жаҳон чемпиони бўлишди.

Мусобақаларнинг сўнгги куни Осиё чемпионлиги учун баҳслар ўтказилди. Эркаклар ўртасида олти, хотин-қизлар ўртасида тўрт нафар полвонимиз қитъа чемпионлигини қўлга киритишди.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

ҚАЙДНОМА

ЮНОН-РУМ КУРАШИ. Қирғизистон пойтахти Бишкекда ўтказилган Р.Санатбоев хотирасига бағишланган халқаро турнирда юртимиз спортчилари ҳам иштирок этди. Марказий ҳарбий спорт клуби вакили Козим Тўраев ўз вазн тоифасида халқаро турнирнинг бронза медалига сазовор бўлди.

САМБО. Болгарияда ўтказилган жаҳон чемпионатида юртимизнинг 16 нафар спортчиси қатнашди. Терма жамоамиз битта олтин, тўртта бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида еттинчи ўринни эгаллади. Бешта медалнинг тўрттаси (битта олтин, учта бронза) хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда қўлга киритилди.

БОКС. Россиянинг Анапа шаҳрида ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Унда Куба, Жазоир, Молдова, Украина каби 13 мамлакатнинг 120 нафар ёш истеъдодли ҳаваскор боксчилари қатнашиб, ғолиблик учун ўзаро жанг қилишди. Юртимиз боксининг келажаги саналаётган Зоҳиджон Ҳурбоев (48 кг.), Қобилжон Бобожонов (60 кг.) ва Сардорбек Бегалиев (81 кг.) мазкур турнирда финалга йўлланма олишди. Бироқ финалда ҳар уч нафар боксчимиздан омад юз ўгирди ва улар турнирнинг кумуш медалига сазовор бўлишди.

* * *

Пойтахтимизда ўтказилган навбатдаги профессионал бокс кечаси юртимиз спортчилари учун муваффақиятли якунланди. Таниқли боксчимиз Қувончбек Тойгонбоев қирғизистонлик Жасур Мўминовга қарши рингга чиқди. Учрашувнинг бешинчи раундидан сўнг Қувончбекнинг рақиби жангни давом эттирмаслигини билдирди ва ҳамюртимиз профессионал рингдаги ўзининг 29-ғалабасини (шундан 20 тасини у муддатидан аввал якунлаган) нишонлади. Яна профессионал рингга қайтган Муҳаммадқодир Абдуллаев эса бишкеклик Александр Бахровдан устун келди. Шунингдек боксчиларимиздан Мақсуд Акбаров, Фаррух Мадаминов ва Мурод Азимов ҳам профессионал рингдаги навбатдаги ғалабаларини нишонлашди.

ТАЭКВАНДО. Сочида таэквандо (ИТФ) бўйича «Қораденгизбўйи кубоги» учун VI халқаро турнир ўтказилди. Ўн мамлакатнинг 1200 нафар спортчиси қатнашган мусобақада юртимиз терма жамоаси 20 та олтин, 7 та кумуш ва 4 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Мазкур турнир доирасида юртимиз спортчилари томонидан янги спорт тури – «Ўзбек жанг санъати» намойиш этилди ва I халқаро семинар ўтказилди.

ТЕННИС. Юртимиз «биринчи ракеткаси» Денис Истомин мукофот жамғармаси 750 000 долларлик «Санкт-Петербург–2009» халқаро турниридаги қатнашувини муваффақиятли бошлади. У дастлаб германиялик Райнер Шюттлерни 6:4, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Кейинги босқичда «Кремль кубоги–2009» ғолиби, турнирнинг биринчи рақамли теннисчиси россиялик Михаил Южнийга қарши кортга чиқди. Россиялик теннисчи биринчи учрашувдаги ғалабасидан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида бўлғуси рақиби бу йилги турнирларда жуда яхши қатнашаётганлигини ва гарчи Денисниng жароҳати бўлса-да, унга қарши ўйин осон кечмаслигини эътироф этди. Учрашув кутилганидек муддатидан олдин тугади. Биринчи сетда ҳамюртимиз кучли рақибини 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Иккинчи сет 2:1 ҳисобида яна вакилимизнинг фойдасига ҳал бўлиб турган бир вазиятда жароҳати бор Денис эмас, балки россиялик теннисчи ўйинни давом эттиролмаслигини билдирди. Навбатдаги босқичга чиққан теннисчимиз чорак финалда Марат Сафинга 6:0, 7:6 (7:4) ҳисобида имкониятни бой берди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Ёшлар ўртасида Чирчиқда ўтказилган мамлакат чемпионатида Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ҳам муваффақият қозонишди. Жумладан, Александра Волосьянова олтин, Лаура Мартиросян кумуш медални қўлга киритди.

МАРАФОН. Хивада «Буюк Ипак йўли» марафони ўтказилди. Франция спорт телеканали, Франция спортни ривожлантириш жамияти ва «Ўзбектуризм» миллий қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Франция ва Ўзбекистоннинг 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган 200 нафардан ортиқ югуриш ихлосмандлари иштирок этди. Соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилишга қаратилган бундай марафон кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

МАДАНИЯТ

ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Таълимга, илму маърифатга эътибор – миллатнинг келажагига эътибор. Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, билимли, салоҳиятли бўлиб улғайиши мамлакат тараққиётига, юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз. Шу боис мустақилликка эришилган дастлабки йилларданоқ аҳолининг саводхонлик даражасини ошириш, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, мактабларнинг моддий-техник базаси ва инфратузилмаларини янгилаш, соҳага замонавий ўқитиш технологияларини олиб киришга катта эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида бу ўзгаришлар ўқувчилар тафаккур доирасининг кенгайиши, дунёқараши ва билимларининг бойиши, ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишини таъминлади. Бу эса яна бир бор танлаган йўлимизнинг тўғри эканлигини англатади.

Сўнгги пайтларда таълим тизимига инновацион технологияларни жорий этиш яхши самара бермоқда. Ўқувчига мавзуни янада чуқурроқ, батафсилроқ тушунтиришда синфни гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш, ўзаро мусобақадошлик муҳитини яратиш, дарсни ўйин ёки беллашув тарзида ташкил этиш муваффақиятли саналади. Замонавий педагогик технологиялар деб номланувчи мазкур таълим усули ўқувчини янада кўпроқ изланишга, мустақил билим олишга, дарсликлардаги маълумотлар билан чекланиб қолмасликка ўргатади.

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги 171-мактабда ўтказилган тадбир ҳам ана шундай эзгу мақсад йўлида ташкил этилди. «Дунё халқлари фестивали» деб номланган ушбу тадбир ўқувчилар учун ҳақиқий байрамга айланди, десак муболаға бўлмайди.

Мактаб ҳовлиси дунё халқларининг ранг-баранг миллий либосларини кийиб олган ўқувчилар билан гавжум. Ер юзида ҳаёт кечирувчи турли халқлар маданияти, турмуш тарзи, дастурхони, санъатини истифода қилувчи кўргазмали воситалар, дастурлар, саҳна кўринишлари... Табиийки, бу фестивалга тайёргарлик асносида, шунингдек байрам томошаси орқали ўқувчилар география, этнография, маданиятшунослик, лингвистика, санъатшунослик фанлари бўйича олган билимларини синовдан ўтказишга, мустаҳкамлашга муваффақ бўлдилар.

Мусобақа тарзида ўтган мазкур фестивалда иштирокчиларнинг чиқишларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли кинорежиссёр Мелис Абзалов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бордилар.

– Болажонларнинг чиқишларини томоша қиларканман, улардаги интилиш, иштиёқ кучлилигига, саҳна кўринишлари ва миллий куй-қўшиқлар ажиб нафосат ва топқирлик билан танланганига, ҳар бир халқ, миллатнинг ўзига хослигини очиб бериш учун катта жамоа бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилганига амин бўлдим, – дейди биз билан таассуротларини ўртоқлашаркан, Мелис Абзалов. – Ўқувчиларда истеъдод учқунларини, санъатга ошуфталикни, менимча, бугунги тадбирга гувоҳ бўлган ҳар бир инсон пайқади, тан олди.

– Бугун миллий анъаналаримиз, санъатимиз, ўзбекона қадриятларимизга асосланиб тайёрланган дастуримизни намойиш этдик, – дейди 8-синф ўқувчиси Ситора Ҳамидова. – Қадимий халқ оғзаки ижоди ва миллий қўшиқчилигимиз намуналаридан унумли фойдаландик, рақслар, лапарлар, кўргазмали қуроллар орқали халқимизнинг неча минг йиллик тарихи, ўзига хослигини, саховатпеша ва меҳмоннавозлигини очиб беришга ҳаракат қилдик. Ҳатто бошқа миллатга мансуб синфдошларимиз ҳам биз билан биргаликда ўзбекона рақсларга хиром айлашди, миллий либосларимизни кийишди, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ниҳоятда ажойиб эканлигини эътироф этишди. Миллий ҳунармандчилик, халқ амалий санъати намуналари ва ўзбек таомлари асосида тайёрланган кўргазмали воситаларимиз ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Фестивалга ҳозирлик кўриш мобайнида украин халқининг тарихи, маданияти, анъана ва маросимлари, санъатини обдон ўргандик, – дейди 6-синф ўқувчиси Сулаймон Ризаев. – Албатта, бу борада бизга устозларимиз яқиндан ёрдам бердилар. Ўз дастуримизни тайёрлашимизда география ва этнография дарсларидан олган сабоқларимиз ниҳоятда қўл келди. Шунингдек, украин халқининг миллий қўшиқлари ва унга мос ижро этилган рақсларимиз ҳам муваффақиятли чиқди, деб ўйлайман.

– Фарзандларимиз – эртанги келажагимиз, уларнинг ҳар томонлама етук, билимдон, истеъдодли бўлиб вояга етиши биз педагоглар олдидаги энг муҳим вазифа ҳисобланади, – дейди мактаб директори Наргиза Мелибоева. – Бугунги кунда таълим соҳасини замонавий педагогик технологияларсиз, ўқитишнинг интерфаол усулларисиз тасаввур этиш қийин. Эътироф этиш керакки, ўқувчиларнинг билим даражаси ва савиясини оширишда уларнинг ўрни беқиёс бўлмоқда. Таълим жараёнида болаларнинг қайси соҳаларга мойиллигини аниқлаб олиш, улардаги иштиёқ ва рағбатни тўғри йўналтира билиш фарзандларимизнинг юрт равнақига муносиб ҳисса қўшадиган инсонлар бўлиб вояга етишида катта аҳамият касб этади. Ўйлайманки, бугунги фестивал ҳам мақсадларимиз рўёбига хизмат қилади.

Собир АРСЛОНОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Обуна–2010

«ВАТАНПАРВАР» — БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий меросларини, қадриятлари, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи — 114.



Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи Светлана Ортиқовага падари бузруквори

Боймирза отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, **Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.**

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: капитан Ё. ҲАКИМОВ, капитан Ҳ. МИРЗАЕВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Р. Исхакев** ва **З. Хонимов** томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | **Адади** 24000.

Нашр кўрсаткичи 114. | **Буюртма** № Ж-83-69.